O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 17-iyun, 2009-yil ● №25 (629) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

"ЧАЛМА МУҒАННИЙ СОЗИНГНИ..."



Маълумки, туронзамин халқлари мусиқани қалбнинг қуввати, заҳматли меҳнатдан сўнг вужуддаги ҳорғинликнинг давоси деб билишган. Шу маънода VI-VII асрларда Марвазий туғилиб ўсган шаҳарда мусиқа асбоблари сотиладиган махсус тимларнинг мавжуд бўлганига табиий ҳол сифатида қараш керак бўлади.

⇨ 7-бет

БУЮК АЛЛОМА ҲАҚИДА ҚИССА

Умуман айтганда, асар бежизга "Даҳонинг туғилиши" деб номланмаган. Айни Беруний даҳосининг воқеликка айланиши — қиссанинг бош мақсади ва мазмунидир. Асар шу жиҳатдан ҳам қизиқарлидир.

⇨ 7-бет

"БОЛАЛАРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ"

Очиғи, битта музқаймоқнинг пулига спектакль чиптасини олиш мумкин. Ваҳоланки, ота-оналар болаларни етаклаб хиёбонларга олиб боришади, кўча-кўйдан турли ўйинчоқлар олиб беришади. Аммо ўйлаб кўришмайдики, фарзанди билан театрга борса, боласининг дунёқараши кенгайиши, маънавиятига яхшилик уруғини экиши билан бирга ўзи ҳам болалигига қайтгандек бўлади.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **10 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 июнь куни Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг МДҲ давлатлари билан алоқалар бўйича махсус вакили Фарит Мухаметшинни қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида кўп томонлама ҳамкорлик юзасидан батафсил фикр алмашилди. Шунингдек, минтақадаги сув-энергетика манбаларидан оқилона фойдаланишга доир долзарб масалалар муҳокама қилинди.

■ **14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессиясида иштирок этди.**

Ўзбекистон, Россия, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари қатнашган йиғилишда ОДКБнинг Коллектив оператив ҳаракат кучларини (КСОР) тузиш ҳақидаги қарорининг ижроси кўриб чиқилди.

Саммитда шунингдек, ОДКБ қамраган ҳудудда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

■ 15 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммитида иштирок этиш учун Екатеринбург шаҳрига келди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Унда Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари иштирок этдилар.

Президентлар ШҲТни янада ривожлантириш, унинг ҳузуридаги тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, кузатувчи давлатлар ҳамда бошқа минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

■ **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашиш учун Екатеринбург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинътао билан учрашди.**

Унда икки давлат раҳбари Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ — 2200 ЁШДА

ПОЙТАХТИМИЗ КАТТА ТАНТАНАЛАР ТАРАДДУДИДА

Азим Тошкент шаҳрининг ўтмиши бир неча асрларга тенг. Пойтахтимиз азалдан маданият, маърифат маскани бўлиб келган. Айниқса, Тошкент мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди. Замонавий бинолар, меҳмонхоналар, муҳташам саройлар, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган йўллар, кўприклар бунёд этилди. Тўғриси, бундан ўн йиллар илгари пойтахтимизда бўлган киши ҳозир уни танимаслиги шубҳасиз. Хорижликлар бежиз Тошкентни Марказий Осиёнинг дарвозаси деб эътироф этишмайди.

Мамлакатимиз Президентининг Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарорига кўра, шаҳарда кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Яқинда матбуотда эълон қилинган мамлакатимиз раҳбарининг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган асосий тантаналарни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига кўра пойтахтимиз юбилейи тантаналарини жорий йилнинг 1-2 сентябрь кунлари ўтказиш мўлжалланмоқда. Демак, пойтахтимиз катта тадбирга тараддуд кўрмоқда.

Умида КАРИМОВА

ЭНГ БУЮК КАШФИЁТ

ёки бугунги китобхонлик ва ноширчилик хусусида

Ақл билан бойлик топиш мумкин, лекин бойлик билан ақл топиб бўлмайди.
Файласуф фикри.

Бир вақтлар япон мактабларидан бирида инсоният тарихидаги энг буюк кашфиёт нима, деган сўровнома ўтказилган экан. Сўровнома иштирокчилари ўз жавобларида олов, двигатель, машина, телефон, телевизор, атом бомбаси, электроника, хуллас ўзлари энг зўр деб билган 100 га яқин ихтиро ва кашфиётларни тилга олган. Лекин ҳайъат аъзоларини ҳайратга солган 6-синф ўқувчисининг ушбу жавоби маъқул бўлган экан: **"Энг зўр кашфиёт — бу китоб"**. Ҳайъат аъзоларининг нима учун айнан китоб, деган саволига у **"Қолганларнинг фикрлари ҳам тўғри, лекин китоб бўлмаса, уларнинг бирортаси ҳам ихтиро қилинмасди-ку"**, деб жавоб берган.

Назаримда, ўзини анчайин зиёли, ақлли деб билувчи кўпгина катта ёшдагилар ана шу 12 ёшли қизчанинг даражасига етмаган кўринади... Жаҳон адабиётида китоб, умуман, мутолаанинг инсоният тафаккурига, дунё тараққиётига қанчалик самарали таъсир кўрсатиши борасида кўплаб алломалар, машҳур ижодкорларнинг фикрлари келтирилган ва бу бежиз эмас, албатта. Шу ўринда ўзимнинг айрим кузатишларимни айтиб ўтмоқчиман.

Лондон метросида қизиқ бир ҳолатни кўрганман. Вагонларнинг у ер бу еридаги бўш ўриндиқларда газета-журналлар ётади. Кирган киши уларни бемалол олиб ўқиб, тушадиган жойида яна ташлаб кетавераркан. Умуман, бу шаҳарда 3 қаватли, эскалаторли китоб дўконларини кўриб ҳавасингиз келади. Узунлиги 3-4 км. масофага етадиган, бир кўчанинг бошидан бошланиб кейингисига уланиб кетадиган китоб расталари мавжуд. Бу том маънода китоблар олами. Уни кезиб, бутунлай ўзгача руҳга тушасиз, ўзгача манзарани туясиз, беихтиёр дунёни, одамларни янада яхши кўра бошлайсиз, яхши ишлар қилгингиз келаверади. Онгингизда эзгулик уйғота олган бу куч — китоб сеҳридир. Шундан сўнг ҳақиқатан энг зўр кашфиёт — китоб, деган фикрга тан берасиз.

(Давоми 3-бетда)

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

2009 ЙИЛ — ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

Ғузор янада обод бўлади

Қишлоқлар обод бўлса, юрт обод бўлади. Бу йил Ғузор тумани ҳокимлиги ўз ҳудудида ишлаб чиқариш ва қишлоқлар ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш комплекс дастурларининг бажарилиши бўйича қатор тадбирлар ишлаб чиққан. Унга кўра, туман бўйича жорий йилда 2 миллиард сўмлик капитал маблағ эвазига битта касб-ҳунар коллежи, битта умумтаълим мактаби, битта 50 ўринли туғуруқхона, учта болалар спорт иншоотлари қурилади. Бундан ташқари, туман марказида янги 8 гектарлик болалар истироҳат боғи барпо этилади.

Шунингдек, ҳомийлар ҳисобидан 20 километр масофага газ қувурлари, иккита қишлоққа 26,4 километр ичимлик суви учун қувурлар тортилади. Тўртта қишлоқда маҳалла гузарлари қошида савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлайди. Туман бўйича 30 та савдо ва умумий овқатланиш ҳамда 34 та маиший хизмат кўрсатиш масканлари қурилиб, фойдаланишга топширилади.

Энг қувонарлиси, аҳолиси зич жойлашган қишлоқлар ҳудудида 6 та парандачилик, балиқчилик, қуёнчиликка ихтисослашган хўжаликлар, 18 та иссиқхоналар, 5 та асаларичилик билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари ҳамда 25 та саноат моллари ишлаб чиқарадиган ва маҳсулотларни қайта ишлайдиган кичик бизнес субъектларининг бунёд этилиши мўлжалланмоқда.

— Мамлакатимиз Президенти мустақилликнинг илк йилларидаёқ ислоҳотни қишлоқлардан бошлаш кераклигини таъкидлаган эди, — дейди туман ҳокими Шомурод Донаев. — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ғузорликлар учун чинакам бунёдкорлик йилига айланади, десак муболаға бўлмайди. Қишлоқ жойларида умумий майдони 61 минг квадрат метрли 101 та уй-жойлар фойдаланишга топширилмоқда ҳамда шахсий уй-жойлар қуриш учун 300 та ер участкалари "кимошди савдоси" орқали сотилаяпти.

Янги уй-жой қурувчиларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, 100 тонна оҳак ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга тушади. Шунингдек, ҳар суткада 750 дона шифер тайёрлайдиган "Ғузор шифер" ҳамда қум-шағал ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ўз фаолиятини бошлайди. Қишлоқларда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 10 километр узунликдаги автомобиль йўллари қайта таъмирланади. Шунингдек, жорий йилда республика Давлат дастурига киритилган Самарқанд — Ғузор автомобиль йўлини қайта қуришга киришилади. Бу мақсадларни амалга ошириш учун туманда асфальт ишлаб чиқарадиган янги завод ҳам иш бошлайди. Бундай улкан ишларни ҳаётга татбиқ этиш учун 2009 йилда 5190 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган бўлиб, айни пайтда туманнинг барча ҳудудида кўпдан-кўп бунёдкорлик юмушлари олиб борилмоқда.

Ғулом АБДИЕВ,
журналист.

ДУНЁ СИЁСАТИ

АҚШ ҳарбийлари "Манас" билан хайрлашмоқда

Қирғизистондаги "Манас" авиабазасидан АҚШ ҳарбийлари юкларини олиб чиқиб кетишни бошлади. Бу ҳақда ушбу базада жойлашган АҚШ ҳаво кучларига қарашли 376 авиаэкспедициянинг янги қўмондони Блейн Холт баёнот берди. Унинг таъкидлашича, айрим анжомлар аллақачон олиб чиқиб кетилган. 376 авиаэкспедициянинг собиқ бошлиғи Кристофер Бенс баъзи жиҳозлар шу ерда қолишини айтган. Масалан, бир неча юз дона матрас шу яқин ўртадаги касалхонага совға қилинади.

Ҳабарларда таъкидланишича, АҚШ томони белгиланган муддатда, яъни 18 августга қадар "Манас"ни тарк этади. Холт ўз навбатида ҳали ҳамма кучларни олиб чиқиб кетиш ҳақида буйруқ олмаганини ҳам қайд этди. Унинг таъкидлашича, бу ҳақда ҳали ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Қирғизистон президенти котибияти таҳлилий хизмати раҳбари Мелис Жунусалиев "Манас"дан АҚШ ҳарбий базаси, албатта, чиқиб кетишини баён қилган.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ҲУҚУҚ

ХАТ... ОГОҲЛАНТИРИШ БЎЛОЛМАС ЭМИШ

ёки 3 та инстанция бўйича суд жараёни амалга оширилгандан кейинги мулоҳазалар

Ҳурматли таҳририят!

Мен катта бир жамоанинг раҳбари бўла туриб, нажот истаб таҳририятга мурожаат қиламан деб сира ўйламагандим. Начора, бугун шу ишни қилишга мажбур бўлаяпман. Чунки, ўйлаб-ўйлаб, ўйимнинг тагига ета олмадим. Агар мен ҳозир ҳикоя қилмоқчи бўлган, ўзимнинг бошимдан ўтказган баҳслашув-судлашувни бошқа бир одам менга гапириб берганида, рости, ишонмас эдим. Ахир, кимсан учинчи ҳокимият бўлмиш суд деган мўътабар идорада масала моҳиятига бу даражада юзаки қараб, нари-бери Ҳал қилув қарори чиқариб бераверши, юмшоқ қилиб айтганда, ақлга сиғмайдиган иш эмасми? Бу қарор эса пойтахт шаҳар прокурорининг қонунбузарликни бартараф этиш бўйича протестини гўёки ноқонунийга чиқараяпти ва Тошкент шаҳар ҳокимининг бир эмас иккита қарорини бирданига ҳақиқий эмас, деб топмоқда!

Икки ўртада эса мен — тадбиркор азият чекиб, оз эмас-кўп эмас, ярим миллиард сўм маблағга куйиб қолаяпман. Яъни, бундан уч йил аввал Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида бизнинг ташкилотга ажратилган ерга биз ўтган давр мобайнида марказий офис биноси қурилишига 500 миллион сўм сарфладик, унинг улкан темир-бетон деворлари тиклаб қўйилган, қурилиши давом этаётган эди. Бугунга келиб, бирдан «маълум» бўлиб қолдики, бу ер бошқа бировга қарашли эмиш... Тошкент шаҳар хўжалик суди шундай қарор чиқарди!

Бу қарорга Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари «Ҳой, барака топкурлар, нотўғри қилаяпсизлар, аслида сизлар ҳақиқий деб топаётган қарор ҳақиқий эмас, у шаҳар прокурорининг протестига асосан қонуний равишда бекор қилинган, сиз «ҳақиқий эмас» деяётган қарор эса қонуний кучида турибди, бу қарорни бекор қилишга ҳеч қанақа зарурат йўқ, сабаби — сизлар ҳимоя қилаётган даъвогарга ажратилган ер майдони бошқа ҳудудда, бу юридик шахсга ажратилган ер эса бошқа, иккаласининг жойлашиш манзили ҳатто картада белгилаб қўйилган!» — деган мазмунда апелляция шикояти ёзди.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ХАТ... ОГОҲЛАНТИРИШ БЎЛОЛМАС ЭМИШ

(Бошланиши 1-бетда.)

Йўқ, суднинг апелляция босқичи шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари имзоси билан киритилган шикоятни ҳам атрофлича муҳокама қилишни лозим топмай, Ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Ҳатто Олий хўжалик суди кассация инстанцияси ҳам шундай йўл тутди — қуйи судлар қарорлари ўзгаришсиз қолдирилди!

Ҳолбуки, биз бирон-бир нуқтада ўзбошимчаликка йўл қўймаганмиз, қинғир йўлдан бориб бирон ҳужжатни қалбакилаштирмаганмиз. Жой олиш учун бир неча ой ўнлаб идора ва ташкилотлар ўртасида елиб-югуриб, зарур барча ҳужжатларни қонуний асосда тайёрлаб, шаҳар ҳокимининг қарорини қўлга олиб, қолган барча расмиятчиликларни бекамукўст бажариб, сўнг қурилишни бошладик ва бу қурилишга 500 миллион сўм сарфлаганда... хўжалик судининг битта қарори билан барчаси чилпарчин бўлиб кетса — дардимизни кимга айтайлик!

Агар бизнинг бирон-бир хатти-ҳаракатимизда ноқонунийлик аниқланганида, айб ўзимизда-ку, деб дардимизни ичимизга ютган бўлардик. Агар шаҳар ҳокимининг қарорида ноқонунийлик мавжуд бўлса, ҳокимнинг биринчи ўринбосари суднинг апелляция ва кассация инстанцияларига шикоят ёзиб юрмаган бўларди!

Энди қисқача, номлари ва манзиллари, саналарини кўрсатган ҳолда воқеа баёни билан танишгайлар:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2004 йил 29 октябрдаги 776-сонли қарори билан «Invest house plus» масъулияти чекланган жамиятга Мирзо Улуғбек тумани, Асака кўчасида 40 сотих ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2006 йил 5 инюндаги 274-сонли қарори билан «Neftegazkipavtomatika» ёпиқ акциядорлик жамиятига (ЁАЖ) Мирзо Улуғбек тумани, Асака кўчаси ва Кичик халқа йўли кесишувида 40 сотих ер майдони ижара ҳуқуқи асосида ажратилган.

Шундан сўнг бу икки ташкилот кўшни чегарадош ердан фойдаланувчилар бўлиб қолишди.

Бироқ, Тошкент шаҳрида бир нечта юридик ва жисмоний шахслар Ер кодекси талабларига зид равишда, ўзларига ажратилган ер майдонларини ташландиқ ҳолда қолдириб, ундан икки йил мобайнида фойдаланмагани сабабли, Тошкент шаҳар прокурорининг 2006 йил 27 ноябрдаги № 10/15-06-сонли протести асосида, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2006 йил 14 декабрдаги 672-сонли қарори билан, «Инвест хоус плюс» МЧЖга 40 сотих ер ажратиш тўғрисида юқорида эслатилган — 2004 йил 29 октябрдаги 776-сонли қарор бекор қилинди. Яъни, ер ажратилганига икки йил бўлишига қарамай, улар бу ердан фойдаланмаган. Васаллом. Ўзбекистон республикаси Ер Кодексининг 36-бандига кўра, қишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратилган ердан бир йилгача, ноқишлоқ хўжалик мақсадларида 2 йилгача фойдаланилмаса, бу ердан фойдаланиш тақиқланади — бекор қилинади. Демак, шаҳар прокурорининг мана шу қонунга кўра, киритган қонуний протести асосида шаҳар ҳокими қонуний қарор қабул қилган.

«Нефтегазкипавтоматика» ЁАЖга ер ажратилганидан кейин эса архитектура-лойиҳалаштириш топшириғи, ишчи лойиҳа хажмидаги лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва молиялаштирилган бўлиб, объект бўйича Тошкент шаҳар БошпланЛИТИИ институти, архитектура бошқармаси, Тошшаҳардавлатэкспертиза бошқармаси, Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси тасдиғидан ўтиб, қурилиш ташкилоти барча мутасадди ташкилотларнинг рўйхатидан ўтказилган. Сўнг ушбу объект қурилиши бошланиб, ертўла, пойдевор, биринчи қаватнинг қурилиш-монтаж ишларига ярим миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди ва буни тасдиқловчи барча ҳужжатлар мавжуд.

Ана энди шу «манзилга» етганда ушбу аризанинг бошида айтилган судлашувлар бошланди.

2008 йилнинг охирида «Инвест хоус плюс» МЧЖ Тошкент шаҳар ҳокимининг 2006 йил 5 июндаги 274-сонли («Нефтегазкипавтоматика»га ер ажратиш тўғрисида) ва 2006 йил 14 декабрдаги 672-сонли («Инвест хоус плюс»га ер ажратиш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас деб топган қарор) қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза киритди.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2009 йил 16 февралдаги Ҳал қилув қарори билан даъво талаблари тўлиқ қаноатлантирилди!

Бу қарор ҳақиқий ҳолатга тўғри келмаслиги, қонуний асосга эга эмаслигини таърифлаб-исботлаб Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Усмонов ва мен апелляция шикоятлари ёздик.

Апелляция босқич суди 2009 йил 16 апрелдаги қарори билан биринчи босқич суди қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Р.Усмонов ва мен кассация шикоятлари ёздик.

Олий хўжалик суди кассация босқичининг 2009 йил 1 июндаги қарори билан юқоридаги иккала қуйи босқич суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилди.

Шундай қилиб, 3 та инстанция бўйича суд жараёни амалга оширилганида одил судлов ўзи намалигидан иборат саволга жавоб топа олмадик!..

Хўжалик суди нимага, қайси қонуннинг қайси бандига асосланиб бундай қарор чиқаргани асосларини излаб, бир варақнинг икки саҳифасидаги суд қарорини қайта-қайта ўқиб, илғаб ололганимиз шу бўлди: шаҳар прокурори протест келтиришидан олдин муайян ер эгаси тегишли орган томонидан бир марта огоҳлантирилган бўлиши керак экан.

Яхши. Лекин айнан шундай огоҳлантириш бўлган: Бош архитектура-қурилиш бошқармаси 2006 йил 21 июнда «ТошкентбошпланЛИТИИ» институтига чегаралар қизил чизиғини қайта кўриб чиқиш ва аниқланган чегара қизил чизиқлари билан янги лойиҳа ҳужжатларини тақдим қилиш, агар 2



Суратда: *«Neftegazkipavtomatika» ЁАЖ томонидан қурилаётган иншоот.*

йил ичида ер ўзлаштирилмаса, қарор бекор қилинишини эслатиб ёзилган хат бор. Лекин бу хат... огоҳлантириш бўлолмас эмиш!

Нега? Қайси қонуний асосларга кўра?

Бунга жавоб йўқ. Суд шундай хулосага келибди, вассалом!

Суд қарорида «бу ҳолатда ер қонунчилиги бузилиши факти бўйича Тошкент шаҳар ҳокимиятига тақдимнома киритишда процессуал тартибдаги ҳуқуқ нормаси бузилганлиги» таъкидланган. Лекин бу «бузилиш» нимадан иборат? Агар протест киритишдан олдин огоҳлантириш юбориш зарур экани назарда тутилаётган бўлса, айнан шундай огоҳлантириш мавжудлигини юқорида кўрсатдик. Бироқ, суд буни «огоҳлантириш бўла олмайди» деб баҳолаяпти. Нега? Бу саволга эса жавоб йўқ.

Ҳурматли таҳририят!

Юқорида айтилган барча ҳолат ва баҳсларни бир чеккага суриб қўйсак, бу баҳсларга — шаҳар ҳокимининг қарорини суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топишу судма-суд юришга ўрин қолдирмайдиган бошқа бир ҳолат бор: «Инвест хоус плюс» МЧЖ ва «Нефтгазкипавтоматика» ЁАЖга ажратилган ер майдонлари айнан бир жойда эмас, қўшни ҳудудлар. Бу ҳол лойиҳа-карта ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилибди, уни бевосита бу ишга алоқадор идораларнинг мутахассислари белгилашган. Бироқ, ҳолатни гўёки воқеа жойига бориб кўрган суд ҳайъати суд муҳокамасига тавсия-таклиф этилган биронта мутахассисларни чақириб сўрамасдан, иккала ташкилотга ажратилган ер майдони бир жойда деган хулоса билан қарор чиқарди. Бу кимга, нима учун кераклиги — тушунарсиз...

Олий хўжалик судининг 2009 йил 1 июндаги қарори кучида турибди. «Нефтгазкипавтоматика» ЁАЖга ер ажратиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимининг қарори бекор қилинди. **Аммо, мен қонуний равишда олган бу жойга қурилиш учун қонуний равишда сарфлаб қўйган ярим миллиард сўм маблағимни қаердан, кимдан қайтариб олишим керак? Албатта, учала суд қарорида ҳам бу ярим миллиард ҳақида ярим оғиз ҳам гап йўқ.**

Наҳотки, адолат мезони шу тариқа «ҳимоя» қилинса?

Рўзимурод ТОЖИЕВ,
«Neftegazkipavtomatika» ЁАЖ бош директори.

Хабарлар оқими

Дунё олимлари Самарқандда

9-11 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида буюк астроном Мирзо Улуғбек таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан "Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси" мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий Осиё тадқиқотлар институти ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган анжуманда мамлакатимиз ва Франция, Италия, Хитой, Россия, Туркия, Япония, Эрон, Ҳиндистон, Бангладеш, Озорбайжон давлатларининг етакчи олимлари, юртимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Регистон мажмуасидаги Улуғбек мадрасасида ўтказилган илмий конференцияда сўзга чиққанлар Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби ва астроном сифатидаги фаолияти, қолдирган меросининг ўрганилиши хусусида сўз юритиб, унинг "Зижи жадиди Кўрагоний" асари бугунги кун дунё астрономларининг изланишларига асос бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Болаларга эътибор

Яқинда пойтахтимиздаги Тиббий-ижтимоий марказда "Соғлом авлод" болалар ёзги оромгоҳи иш бошлади. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Юнусобод тумани ҳокимлиги ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу ёзги дам олиш маскани болаларнинг таътил вақтини мазмунли ўтказишга ва уларни жисмонан чиниқтиришга хизмат қилади. Ёзги таътил давомида шаҳардаги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп болали оилалар фарзандлари жалб этилган мазкур оромгоҳда икки юз эллик нафардан зиёд боланинг дам олиши режалаштирилган.

Болалар бу ерда кўнгилли дам олиш билан бирга малакали шифокорлар ва ижтимоий соҳа мутахассислари кўригидан ҳам ўтказилади.

Абдуғани СОДИҚОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Бозор бедарвоза эмас

Ҳанифа Самандарова Ҳазорасп буюм бозорига оз эмас, кўп эмас 5 миллион сўмликдан кўпроқ турли товар моддий бойликларини сотиш учун чиқарган эди. Аммо... Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан текширув ўтказилганда тижоратчи ниқобидаги савдогарнинг ноқонуний фаолият юритаётгани, шунча миқдордаги товарларнинг кирим ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди. Шунингдек, шу бозорда савдо қилаётган Жумабой Бобоев ҳам бир неча юз минг сўмлик товар моддий бойликларини ҳужжатсиз пуллаётган пайтда қўлга олинди. Далилий ашёлар қонуний асосда олиб қўйилди. Энди бу сохта савдогарлар қонун олдида жавоб беришади.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

Фарғоналик йўловчиларга қулайлик

Яқинда "Фарғона автотранс хизмати" компанияси "Асака" банкидан олинган кредит ҳисобига Самарқандда ишлаб чиқарилаётган "Исузу" автобусларидан яна 40 тасини сотиб олиб, вилоятдаги автобус йўналишларига чиқарди. Айниқса, "Фарғона — Қўқон" йўналишларига қўйилган янги автобуслар вилоятнинг энг серқатнов икки йирик шаҳри учун катта қулайликларни очибгина қолмай, йўл-йўлакай Олтиариқ, Риштон, Боғдод, Бувайда ва Учкўприк туманлари аҳолиси учун ҳам хизмат кўрсата бошлади.

Йўлкира нархи арзонлашгани ва шу билан бирга қатнов мўътадиллиги қарор топиб, хизмат маданиятининг ошгани айни муддао бўлди.

Саноатхон ТОЖИБОЕВА,
"Hurriyat" мухбири.

Жиззахда меҳнат ярмаркаси

Жиззах политехника институтида битирувчи талабалар учун бўш иш ўринлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда 57 ташкилот ва корхоналар 200 дан зиёд бўш иш ўринларини таклиф этди.

Бу йил мазкур институтни 16 йўналиш бўйича 150 нафарга яқин мутахассис давлат гранти, 300 нафардан зиёд мутахассис эса шартнома асосида битирмоқда. Грант асосида таҳсил олган мутахассислар давлат ташкилотлари ва корхоналарга ишга жойлашмоқдалар. Масалан, менеджмент бакалавриати мутахассислигига эга битирувчилар вилоятдаги қурилиш ва қурилишни бошқариш корхоналари билан меҳнат шартномаси тузган. Транспорт воситаларини ишлатиш йўналишидаги битирувчиларнинг асосий қисми касб-ҳунар таълими тизимига, йўл қурилиши, автотранспорт ташкилотларига йўлланма олаяпти. Муҳандислик-коммуникация, қурилиш ва шаҳар хўжалиги йўналишидаги мутахассислар эса вилоят коммунал хўжалиги тизимида иш билан таъминланмоқдалар.

Аъзам ХЎЖАҚУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири.

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРИ

ҳуқуқий ахборот алмашинувини тезлаштиради

Бундан икки йил олдин Адлия вазирлиги томонидан оммани миллий қонунчилигимиз ҳужжатлари билан хабардор қилиш имкониятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари жамланган ягона электрон база яратилганди. Ушбу ахборот дастурига 1990 йилдан ҳозирги кунгача мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, қарорлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, фармойишлари, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ўзбек ва рус тилларида киритилган бўлиб, у интернет тармоғига уланган. Мазкур дастурга "LexUz" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими" деган ном берилган. Истеъмолчилар у билан Адлия вазирлигининг сайтида ёки www.lex.uz сайти орқали танишиши мумкин.

www.lex.uz сайтидан фойдаланган киши миллий қонунчилигимиз тарихи билан танишиши, истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиши мумкин. Шунингдек, бундай ҳуқуқий ахборот қидириш дастурининг яратилиши давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар ва юридик шахсларга, халқаро ва хорижий ташкилотларга Ўзбекистон қонунчилигидан бохабар бўлиш имконини берди. Ҳақиқатан ҳам дастурнинг имкониятлари чексиз. У хоҳ фуқаро мурожаати бўлсин, хоҳ ҳуқуқий таъсир чораси кўриш тўғрисидаги ҳужжат бўлсин, у аниқ ҳисобот олишни таъминлайди. Қайд этилиши лозим бўлган ҳужжатлар эса қай усулда киритилмасин, ушбу дастур уни автоматик равишда фойдаланувчининг хоҳишига кўра туркумлайди.

Юқоридаги ишларнинг давоми сифатида, қолаверса, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан яна бир янги "Microsoft Access main" номли дастур яратилди.

Унинг афзаллик томонлари шундаки, юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганидан кейин корхонага тегишли бўлган бирламчи ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаммаси, яъни кирим қилинган ҳужжат тўғрисидаги маълумот, юридик шахснинг номи, давлати, вилояти, тури, коди, тўлов идентификация рақами, асосий фаолият тури, мулкчилик шакли, ташкилий ҳуқуқий шакли, почта манзили коди, рўйхатдан ўтган санаси, реестр рақами, телефон рақами, ходимлар сони, устав фонди, рўйхатдан чиқарилган санаси, юридик манзили, таъсисчилари, пуллик хизматлар, тугатиш жараёни, текширувлар ўтказилгани тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Феруз САИДЖОНОВ,
Адлия вазирлиги ходими

TURON BANK

ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ
"ТУРОН БАНК"

миллий валютада
қуйидаги юқори фоизли омонат турларини
таклиф этади:

«БАҲОР»
сақланиш муддати 3 ОЙ,
омонат фоизи йиллик 30%,
фоизлар ҳар ойда ёки
омонат муддати тугагандан сўнг
берилади.

«ТОШКЕНТ 2200»
сақланиш муддати 12 ОЙ, омонат
фоизи йиллик 24%,
фоизлар ҳар ойда берилади, омонат
2009 йилнинг 30 июнига қадар қабул
қилинади.

«Турон банк» — сармоянгизнинг барқарор ўсишига замин яратади.

Омонатларга қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди.
Омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан ҳимояланиши кафолатланган.
Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.
Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланади ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади.

Телефон: (+99897) 700-55-55 www. turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

ЭНГ БУЮК КАШФИЁТ

(Бошланиши 1-бетда.)

Айни пайтда бизда нега бундай расталар кўринмай қолди, деган савол туғилади. Албатта, кўп қаватли ёки бир-икки чақирим бўлиши шарт эмас, лекин китоб дўконларининг саҳродаги "якка қудуқ" даражасига тушиб қолишидан хавотирланиш керак. Ҳали ҳам республикамизда китоб дўконлари йўқ туманлар кўп десам, ишонаверинг.

Тўғри, нашриётлар учун шаҳардан ер сотиб олиш, бино қуриш мушкул иш бўлиши мумкин, шу маънода бу ишларни ҳокимликлар фуқаролар маънавиятини ўйлаб ўз зиммасига олиши керак. Ҳозирча "Шарқ" нашриёти ўз саъй-ҳаракати билан кўпгина вилоятларда китоб марказларини очди. Фарғона вилоятида эса деярли барча туманларда шундай замонавий кўринишдаги марказлар, яъни китоб дўконлари ташкил этилгани кўнгилга бироз таскин беради. Масаланинг иқтисодий томонини олганда уларни қуриш, таъмирлаш, жиҳозлашга табиийки анча маблағ кетади. 30 га яқин шоҳобча очишга кетган харажатлар ҳали иқтисод нуқтаи назаридан ўзини қопламаган бўлса-да, маънавият, маърифат мезонлари бўйича яхши иш бўлди. Қолган вилоятлар ҳам бу жараёнга янада фаол қўшилишсалар, деган истакдамиз.

Бугун ноширлар учун маънавий ва мафкуравий, ғоявий жиҳатдан юксак руҳдаги китобларни чоп этиш анчайин аҳамиятли, нуфузли. Аммо аҳоли уларга қанчалик эҳтиёж сезаяпти, яъни улар қанчалик сотиб олинаяпти деган савол туғилади. Беш-олти йил олдин нашр қилганимиз, дурдона асарлар "Авесто", "Бобурнома", "Абдулланома", "Зафарнома", "Навоий асарларига ишланган миниатюралар" каби китоблар энди-энди сотиб бўлинди. Очиғи, уларни яна қайта нашр қилишга ўйланиб қоласан, киши. Ваҳоланки, ушбу китоблар атиги 3 минг нусхадан чоп этилган, ҳолос. Нега шундай? Гап нимада? Шу ўринда машҳур немис ёзувчиси Герман Гессенинг "Китоблар сеҳри" асаридаги шундай фикрлари эсга тушади: "Айрим кишиларнинг бемаъни кўнгилхушлиқ, пиво ёки арзимас лаш-лушлар учун кўзини чирт юмиб, харжлаётган пулларининг юздан бирини китобга сарфлашга келганда оғриниши ҳайратга солади кишини".

Китобни эъзозлаш орқали инсонлар ўз халқини ҳам эъзозлайди, шарафлайди. Бразилиялик Паульо Коэльонинг "Алкимёгар" асари дунёнинг 70 дан ортиқ тилларига таржима қилинган. Лотин Америкасида энг кўп сотилган бу асар "Гиннеснинг рекордлар китоби"дан ўрин олишга сазовор бўлди. Ўзини саводли деб билган ҳар бир бразилияликнинг уйида бу китоб сақланаркан. Улар нафақат Бразилия футболи, шунингдек, яхши китоблари билан ҳам фахрланаркан.

Албатта, чоп этилаётган китобларимиз адади, китобхонлар нуфузи қандай деган масалани четлаб ўтиб бўлмайди. Ҳозир бадиий адабиётнинг ўртача адади 3-5 минг нусхалигидан бизда ўқувчилар сони шу кўламда экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Аксинча, бу бизнинг у ёки бу китобни ўқувчига етказиб бериш имкониятимизни кўрсатади, холос. Агар китобларни жойларга етказиб беришни яхши йўлга қўйсак, нафақат вилоят марказларида, туманларда, қишлоқларда китоб дўконлари ташкил қилинса, ўртача китобнинг адади камида 50 минг нусхада бўларди. Бу қуруқ адад кетидан қувиш эмас, балки шунда китобнинг нархи ҳам ҳозиргидан 3-4 баравар арзонлашарди. Мана гап қаерда!!! Китоб адади камайган сари унинг нархи ҳам ошиб бораверади-да.

Мана шу фактдан кўриниб турибдики, мамлакат миқёсида китоб савдосини яхшилаш лозим. Ҳозирча нашриётлар ўз ёғига ўзи қовурилиб, чиқарган адабиётини ўзи сотиш билан овора ("Ўзкитобсавдо" ташкилотининг бу жараёндаги иштирокини сезаётганимиз йўқ). Биз кейинги йилларда "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён"ни 3-4 марта қайта нашр қилдик. Лекин шу йиллар давомида на "Уруш ва тинчлик"ни, на "Анна Каренина"ни, на "Жиноят ва жазо"ни чоп этдик. Сабаби — ботинолмадик. Жазм қила олмаяпмиз. Нега? Ўқиларми-кин, сотилармикин? "Азизим", "Декамерон" каби китобларга ким нима деркин? Ношир аҳлини қийнайдиган доимий саволлар булар.

Ўтган йили "Шарқ" нашриётида 100 дан ортиқ номда, умумий адади қарийб ярим миллион нусхада адабий-бадиий, тарихий, болалар адабиёти асарлари чоп этилди. Азалдан "Шарқ"да бадиий адабиётга алоҳида эътибор берилишини назарда тутсак, қолган нашриётларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 2-3 миллион нусхада, боринг 500 номда китоб чиқарилади. Республикамизда китоб ўқиш салоҳиятидаги аҳолини юртимизда 15 миллион киши деб олсак бу рақамлар кўпми ё озми, ўзингиз хулоса чиқараверинг.

"Ойнаи жаҳон"да "Бизнинг кутубхона" деган кўрсатув бор. Унда яқинда ўқувчиларни китобхонликка ўргатиш ҳақида гап кетди. Юнусободдаги мактаблардан бирининг адабиёт ўқитувчиси Маҳмуда Валиева билан суҳбат бўлди. Опа матбуотда ҳам мунтазам чиқиб туришини биламан. Дарс ўтишнинг янги, ўзига хос, ўқувчиларни китобни севишга ундовчи усуллардан гапирди. Масалан, оқсоқол адибимиз Худойберди Тўхтабоев шу мактабда 10 мартадан ортиқ бўлган экан. Дарсни бирга ўтишаркан, болаларга баҳоларни ёзувчимизнинг ўзи қўяркан. Тасаввур қилинг, Худойберди Тўхтабоевнинг ўзидан баҳо олиш, боринг-ки, у "уч" баҳо бўлганда ҳам қандай ҳаяжонли! "5" олганларга ўзларининг китобларидан дастхат тушириб бераркан. Опага қойил қолдим, Худойберди акага ундан ҳам. Шу ёшда ҳам тинмайди, ё мактабда, ё ойнаи жаҳонда китоб тарғиб қилади, совға қилади. Назаримда, устоз бормаган, ёшларни китобга қизиқтирмаган, рағбатлантирмаган мактаб қолмаган-ов!

Бу мактабга Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджонлар ҳам тез-тез бориб туришаркан. Китоб тарғиботининг энг фаол жонкуярлари болалар адиблари шекилли. Катталарга ёзадиганлар учун бу "кичик" масала бўлса керак.

Тоҳир Малик борганда болалар "Шайтанат"дан лавҳа саҳналаштиришибди. Буни кўриб, Тоҳир ака:

— Болаларни бироз қийнаб қўйибсиз. Лекин ўйлаб қарасам, "болаларбоп саҳна асарларим йўқ экан. Энди албатта ёзиб бераман", — дебди.

Шу мактаб адабиёт ўқитувчисидек опалар кўпайса, қанийди. Қолаверса, ҳар хил нишон, белгиларимиз бор. "Китоб жонкуяри", "Китобсевар" каби нишонларга ҳам эҳтиёж бор, шекилли. Китоб кунлари, ҳафталиги, ойликлари сусайиб кетди. Соҳа ривожига хизмат қиладиган катта-катта тадбирлар ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ. Китоб кўргазмалари, байрамлари, китоб лотереялари, китобларга имтиёзли обуналар ташкил қилинса, яхши бўларди. Бир вақтлар Китобсеварлар жамияти бўларди, яхши нарсани қайта жонлаштириш хижолатли иш эмас. Умуман мактабларда ўқувчиларнинг китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш учун китоб ўқиш ёки "мутолаа" деган қўшимча предмет киритилса, қандай бўларкин?

Эркин Маликов деган ҳамкасбимиз бор. Болалар китоблари чиқса, худди невара кўргандай боши осмонга етади. Ўша китобни "ойнаи жаҳон"га, радиога олиб боради, тарғиб қилади, газеталарга тақриз қилади. Муаллифини ёнига олиб мактабма-мактаб юриб, учрашувлар, тақдимотлар уюштиради. Ишхонасида болалар китобларининг мўъжазгина кўргазмасини ташкил қилиб, "Боланинг бир қўлига нон, бир қўлига китоб беринг" деб шиор ёзиб қўйган. Менга қолса, бу шиор барча мактаб, маҳалла, кутубхонага, ҳатто метро, автобус, трамвайларга ҳам жойлаштирилиши керак. Болада нонга бўлган оиладаги тарбия, муносабат, ҳурмат китобга нисбатан ҳам шаклланиши даркор. Бу кўникмани болалар онгида биз ота-оналар шакллантиришимиз лозим бўлади. Эркин ака шаҳардаги болалар шифохоналаридан бирида китоб бурчаги ташкил қилган. Янги китоб чиқса, олиб бориб бериб келади. Бошқа нашриётларда чиққан китобларни ҳам етказади. Умуман, шифохоналарда, дам олиш уйларида, санаторийларда кутубхона, боринг-ки, мўъжазгина бурчак ташкил қилиш учун катта маблағ, ҳаракат керакмас-ку. Қолаверса, китоб ҳам муолажанинг бир шаклидир.

Китобсиз ҳаёт йўқ десак, китобсиз ҳам умр кечираётган, кечирганда ҳам бой-бадавлат, тўкин-сочин яшаётганлар етарли. Қўлига китоб ушламаган бахтли бўлолмайди деб ҳам айтолмайман, бахтли яшаётганлар бисёр. Фақат ҳамма гап бахтни ким қандай тушунишида. Менинг назаримда ҳаёт — тирикчилик, маънавият — тириклик. Қоринни тўйғазиш мумкин. Маънавиятни-чи? Қалбни-чи? Имон-эътиқод, эзгуликни-чи? Уларни китобсиз, илм-маърифат зиёсисиз тўлдириб, тўйғазиб бўларканми? Китоб ўқиган одамдан ёмонлик чиқмайди, сотқинлик чиқмайди. У ўзини камроқ, юртни, миллатни кўпроқ ўйлайди. У ҳудбин бўлмайди.

"Шарқ" нашриётида ҳозир болалар адабиётига, лотин имлосидаги асарларга кўпроқ эътибор қаратилаяпти. Фарзандларимиз эртага дунёга юз тутганларида ҳамма билан барча соҳада баб-баравар фикрлаша олсинлар деган яхши ниятда бу ишга қўл урилган. Таъбир жоиз бўлса, бу келажакка сарфланган ўзига хос инвестиция. Лекин, афсуски, келажак учун қилинган саъй-ҳаракатга бугун маблағ берилмайди. Ярим ҳазил, ярим чин маънодаги бу гапимни тушунтирсам, ҳозир айрим, айниқса, кичик, хусусий нашриётлар фақат пулли китобларнигина ёки тез пул бўладиган олди-қочди "нарса"ларни чоп этаётган ёки бошқа бир нашриётлар давлат бюджети ҳисобидан чоп этиладиган дарсликларнигина пойлаб ишлаётган бир пайтда маънавиятга хизмат қиладиган адабиётларни чоп этиш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида узоқни эмас, бугунни кўра билмасликка ўхшаб кетади. Лекин шу ишлар ҳам қилиниши керак-ку. Айтайлик, ҳамма ҳам бугун Шукур Холмирзаевнинг 4 томлик, Ўлмас Умарбековнинг, Саид Аҳмад, Тоғай Муроднинг 3 томлик асарларини чоп этишга жазм қилолмайди. Чунки бу китоблар тезда сотилиб кетмайди. Пулини қоплашига бир-икки йил вақт кетади. Икки йилда харажатини қоплаган лойиҳа бугунги кун учун самаралими? Аммо бу асарларни халққа етказиш бурчимиз. Беихтиёр маънавиятга хизмат қиладиган адабиётларни чоп этишга муайян имтиёзлар яратиш керакмикан, деб ўйлаб қоласан.

Мустақилликнинг муҳим шартларидан бири — барча соҳаларда дунёга чиқиш. Мана, спортчиларимиз дунёни забт этишмоқда, ишлаб чиқаришда жаҳон андозаларига тенглашаяпмиз. Ноширчиликда ҳам халқаро даражага кўтарилиш бош вазифамиз. Бунга баҳоли қудрат эришаяпмиз ҳам.

Илгарилари ялтироқ, рангли китоблар, альбомлар Туркияда, Германияда, Малайзияда босиб келинарди. Ҳозир бирорта китоб чет давлатда босилмайди. Ҳаммаси ўзимизда, хорижникидан қолишмайдиган ўз нашриётларимизда нашр этилади.

Ҳар йили Германиянинг Франкфурт шаҳрида энг йирик халқаро китоб ярмаркаси бўлади. Деярли ҳар йили мамлакатимиз нашриётлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этишади, совринлар олиб келишади. Дунё бизга ноширчилик — матбаачилик соҳасида ҳам тан бермоқда. Шу ўринда бир гапни ҳам айтиб ўтай. Франкфурт ярмаркасида "Дунёни китоб қутқаради" деб ёзиб қўйилган. Мен ташкилотчилардан қизиқсиниб сўрадим:

— "Дунёни гўзаллик қутқаради", деган гап бор. "Дунёни истеъдод қутқаради" деганини эшитганмиз. Лекин буниси тадбир баҳонасида сўз ўйини эмасми?

Улар кулиб шундай дейишгани эсимда: гўзаллик ҳам; боринг-ки, у хоҳ ички, хоҳ ташқи гўзаллик бўлсин, истеъдод каби китоб орқали яратилади. Чунки китоб гўзаллик ва истеъдод уйғунлигининг мевасидир.

Бу гапга бир нарса қўшиш қийин. Менинг бирдан-бир орзуим бор. Байрамларда, туғилган кун, тўйларда яқинларимизга китоб совға қилишни одат қилсак, қандоқ ажойиб иш бўларди. Тўйларда қилинадиган сарполарнинг саноғи йўқ. Уларни камайтириш ҳисобига яна бир сарпо қўшилса — китоблар тахлами. Қилинган гарнитур, мебеллар тўплами турли биллур идишчалар, ваза, қадаҳчалар билан тўлдирилади. Лекин унинг китобга мўлжалланган жойи ҳам бор. Кўп ҳолда кузатганман ана шу жой ё бўш туради ёки у ерга ҳам кўз-кўз қилинадиган буюмлар қўйиб ташлашади. Ваҳоланки, асосий вазифаси меҳмонлар олдида "обрў, ҳавас, мақтов" олиб бериш бўлган бундай буюмлардан фарқли равишда китобларга меҳр қўйган кишига улар бир умрлик дўст, зиё чашмаси бўлиб хизмат қилади. Файласуфлардан бири "Ақл билан бойлик топиш мумкин, лекин бойлик билан ақл топиб бўлмайди" деб бежизга айтмаган.

Бир неча йил олдин бир дўстимнинг туғилган кунига "Бобурнома" китобини совға қилиб бордим. Атрофда ўтирганлар ичида ҳайрон бўлганлари ҳам, энсаси қотганлари ҳам бўлди. Орадан бир йил ўтиб қарийб ўша даврада ўтирганлар яна дўстимникида йиғилдик. "Бобурнома" чиройли жавоннинг энг кўзга кўринарли жойида турарди. Ҳаммасининг эътибори шунда бўлди. Кетишда ўшанда энсаси қотган икки танишим мени секин четга тортиб, шу китобни қаердан топиш мумкин деб сўради...

Шу-шу бу одатимни канда қилмайман.

Аҳрор АҲМЕДОВ

Таҳририятга хатлар

Уч асрни кўрган онахон

Халқимизнинг севимли актрисаси Тўти Юсуповани барча танийди. Аммо Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида истиқомат қиладиган Тўти Юсуповани унча кўп одам билмаса керак. Эътиборли жиҳати, бу пиру бадавлат онахон 1880 йилда туғилган. Дарҳақиқат, тасаввур қилиш жуда қийин. 1900 йил бошланганда йигирма, 2000 йил кириб келганида эса 120 ёшга кирган момо айни пайтда 130 ёшни қаршиламоқда.

Онахон ҳалиям бурро-бурро гапиради. Ўзининг турмуш тажрибаларини, ўтган йилларнинг суронли лаҳзаларини ёшларга тўлқинланиб ҳикоя қилиб беради. Овулдошлари ҳам Тўти Юсуповани эъзозлашади. У киши мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига кўра "Шуҳрат" медали билан мукофотланганди.

— Биз не-не замонларни кўрмадик, — дейди онахон ёшлар билан учрашган чоғида. — Мустақиллигимиздан айланай, турмушимиз йилдан-йилга фаровон бўлиб бормоқда. Илоҳим юртимизга кўз тегмасин!

Юлдуз ҚАЛАНДАРОВА
Қорақалпоғистон Республикаси.

Илоҳий туш ижобати

Дунёда мўъжиза кўп, лекин ҳеч бири сўз мўъжизасидан ўтиб кетолмайди. Шулардан бири — бу Қуръони карим каломидир.

Менинг Нукус шаҳрида яшайдиган Карим Романов деган дўстим бор. У Қуръони каримни араб, ўзбек ва рус тилида мутолаа қилади. Эҳтимол, у мадрасада таълим олган бўлса керак деб ўйларсиз. Йўқ. Ажабланарлиси, дўстим кўп йиллар давомида қурилиш соҳасида ишлагач, нафақага чиқади. Шундай кунларнинг бирида у тушида Қуръон оятларини ҳеч бир қийналмасдан ёддан ўқиётганини кўради. Уйқудан уйғонгач, бунинг таъбирини ўзича талқин қилиб, мустақил равишда арабча имлодаги эски ёзувни ўрганишга киришади. Кўп ўтмай эски ёзувдаги китобларни бемалол ўқий бошлайди. Ҳозир унинг уйида 4 та араб ёзувида чоп этилган муқаддас Қуръон китоби бор. Шундан 2 таси Саудия Арабистонида, яна 2 таси эса Қозон шаҳрида босилган.

Дўстимнинг ўзи бу ҳолатни "Исмим Карим бўлгани учун Қуръони каримни араб имлосида ўқишим Яратганнинг каминага бўлган инояти бўлса керак", деб изоҳлайди.

Ғиёс ЁҚУБОВ
Нукус шаҳри.

Бир марта қатнайдиган автобус

Самарқанд вилоятининг олис Нуробод туманидаги қир ва адирлар орасида аҳоли сони жиҳатдан унча катта бўлмаган мўъжазгина Меҳр қишлоғи жойлашган. Қишлоқдан 26 километр узоқликдаги туман марказига бормоқчи бўлсангиз 7 километр масофани пиёда босиб, Ўртабўз қишлоғига боришингизга тўғри келади. Чунки шу ердан "Ўртабўз — Нуробод — Самарқанд" йўналишидаги йўловчи автобус қатнайди. Қишлоғимиз аҳолисининг аксарияти туман марказига қатнаб ишлаётганини ҳисобга олсак, вазият янада ойдинлашади. Албатта, бу "қулайлик" ёш йигитлар, эркаклар учун унчалик билинмас, лекин хотин-қизлар, кекса кишилар ёзнинг жазирамасида, қишнинг изғиринли кунларида анча қийналиб қолишаяпти. Негаки, йўлнинг мана шу 7 километри тупроқли йўлдан иборат бўлиб, у ёзда тўпиққа етадиган чанга, қишда эса тиззагача келадиган лойқўчага айланади. Шу сабабли бу йўлдан бошқа транспорт воситалари юриши даргумон. Энди ўзингизни бир зум йўловчи сифатида тасаввур қилиб кўринг-га! Не машаққатлар билан шу йўлни босиб ўтдингиз ҳам дейлик. Манзилга етганингизда то сиз боргунингизгача эрталаб фақат бир марта юрадиган автобус кетиб қолган, ёки тўлган бўлсачи?! Дардингизни кимга айтасиз?

Қишлоқда табиий газ ва ичимлик суви муаммоси ҳам мавжуд. Аммо булардан ҳам муҳим бўлган йўл масаласи юзасидан тумандаги мутасадди ташкилот ва идораларга қилган мурожаат ва шикоятларимиз натижасиз қолаверганидан кейин улар ҳақида гапиришдан не наф?

Актам ЖУМАНОВ
Самарқанд вилояти.

Саховатли инсон

Чироқчи туманидаги Чувуллоқ қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳусан ҳожи Ярлаевни кўпчилик саховатпеша инсон сифатида билади. У киши доимо эл-юрт манфаати йўлида елиб-югуради ва ҳар бир ҳамқишлоғига қўлидан келган ёрдамини аямайди. Ҳусан бобо бундан бир неча йил олдин қишлоқнинг янги массивига кўчиб чиққан оилалар фарзандларининг узоқдаги мактабга қатнаётганларини кўриб, ўз ҳисобидан мактаб қуриб беришга аҳд қилган эди. Ҳожи бобо фарзандлари билан биргаликда бу ишни уддалади. Бундан қишлоқ аҳли мамнун. Ҳусан бобо биргина бу иш билан чекланиб қолгани йўқ. У ўзи қурдирган мактабга тез-тез бориб, билимдон ўқувчиларни рағбатлантириб ҳам туради.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ
Чироқчи тумани.

ТУЙҒУ

ВАТАНПАРВАРЛИК ВИЖДОН ИШИДИР

Баъзилар ватанпарварликни фақат айрим фавқулодда ҳолатларда намойиш этиладиган фазилат ёки сифат деб тушунади. Лекин эътибор бериб қарасак, мактабларда яхши ўқиб, намунали хулқи билан бошқа ўқувчиларга ўрнак бўлаётган ўғил-қизлар, ўқиш ва ижодий ишларда юксак натижаларни қўлга киритаётган талабалар, ўз иш жойида янгилик яратаётган ижодкорлар, одамларга нафи тегаётган ўқитувчилар, врачлар, фарзандини эл корига ярайдиган инсон қилиб тарбиялаётган ота-оналар, боринг-ки, оддий қурувчилар ҳам ватанпарвар инсонлардир. Аслида ҳар бир киши бемалол бажариши мумкин бўлган бу оддий юмушлар ватанпарварликнинг энг юксак намунаси, десак муболаға бўлмайди. Чунки юқорида айтилган ҳар бир юмуш Ватан ва ватандошлар фаровонлиги йўлида қилинаётган ҳаракатлар ҳисобланади.

Баъзида "Японлар жуда зўр халқ-да, қисқа муддатда мисли кўрилмаган тараққиётга эришдилар. Европа одамлари ҳам ўз давлатларини техника тараққиётининг чўққисига олиб чиқдилар", деган фикрларни эшитиб қоламиз. Дарҳақиқат, бу ютуқлар ўша мамлакат фуқароларининг ўз фуқаролик масъулиятларини англаганликлари, яъни ватанпарварликлари натижасидир.

Бугун бизнинг юртимизда ҳам илмда, меҳнатда, тадбиркорликда, иқтисодий-молиявий соҳаларда, адабиёт, санъат, маърифат, маънавиятда бебаҳо ютуқларни қўлга киритаётган одамлар оз эмас. Мустақиллик йилларида юксак унвонларга сазовор бўлган ватандошларимизнинг фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлган Рустам Қосимжонов, теннис бўйича дунё кортларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Ирода Тўлаганова, ўтган йили Пекинда бўлиб ўтган ёзги олимпиадада олтин медални қўлга киритган моҳир спортчи Артур Таймазов... Бу номларни давом эттириш мумкин.

Устоз санъаткорлар Муяссар Раззоқова, Муножат Йўлчиевадай бетакрор овоз соҳибалари билан баробар мактаб ўқувчилари, талаба-ёшларнинг жаҳон саҳналарида ўтаётган нуфузли танловлардаги муваффақиятлари ҳам ҳар бир юртдошимизда фахр-ифтихор ҳисларини уйғотиши табиий.

Турли соҳаларда қўлга киритилаётган бундай ютуқлар ҳам эмас. Ушбу муваффақиятлар замирида эса Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғулари ётибди, албатта. Ўйлайманки, ҳатто оддий кундалик юмушларимизни сидқидилдан бажараётганимизда ҳам Ватан ҳисси бор. Чунончи ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз, агар у астойдил, бор имкониятни ишга солиб бажарилса, ватанпарварлигимиздан далолат беribгина қолмай, она юртимиз камолоти учун хизмат қилиши аниқ. Зотан, ватанпарварлик, жасорат каби фазилатларни қалбларга сингдириш учун одамларни мажбурлаб бўлмайди. Бу виждон ишидир. Инсонда юксак даражадаги ватанпарварликнинг шаклланиши учун у юксак маънавий аъмоллар муҳитида тарбияланган бўлиши зарур. Бу жабҳада эса юртдошларимизга жаҳон халқлари ҳавас қилса, арзийди.

Гулнора ҲУСАИНОВА,
ЎзМУ катта ўқитувчиси.

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

ТАДҚИҚОТ

Нодир қўлёзма

Қадим давлатчилик анъаналарига эга бўлган юртимиз тарихига назар ташласак, асрлар силсиласида у ўзининг гоҳ шавкатли, гоҳида тушкун дамларни бошидан кечирганини кўрамиз. Хусусан, ўрта асрлар тарихида дунёнинг энг кучли давлатлари соҳибқирон Амир Темур бобомиз тузган салтанатга ҳадик кўзи билан боқиб, ҳурмат ва итоатда турган бўлсалар, орадан ўтган юз йилнинг нарибериси да бу буюк салтанат ворислари улкан мулклардан ажраб, кейинчалик чор Россияга қарам хонлик ва амирликлар даражасига тушиб қолди. Ўзаро иттифоқсизлик ва урушлар, диний жаҳолат, ўлка ҳукмдорларининг ношуд ва калтабинлиги, жаҳон тараққиётидан узилиб қолиш шундай оқибатларга олиб келди. XX асрнинг бошларида эса ўзи таназзулга юз тутган оқ пошшо империясида большевизм балоси бош кўтариб, Ўрта Осиё хонликларининг қолган мустақиллигини ҳам битирди. Ўзбек халқи тақдирида бўлган Мустақиллик байроғини кўтаргунча бошидан кўп оғир синовларни кечирди.

Бугун биз — озод юрт эгалари мустақиллигимизнинг қадрига етиш, уни мангу асраш учун, аввало, ўтмишимизни чуқур билиш, тарихий воқеалардан сабоқ чиқаришимиз лозим. Бунда юртимиз тарихига оид асарларнинг ўрни катта, албатта. Шу жиҳатдан Мирза Салимбекнинг (1930-1948) "Тарихи Салимий" асари муҳим аҳамият касб этади. Бухоро амирлиги тарихига оид ушбу асар сўнгги уч манғит ҳукмдори: Музаффархон (1860-1885), Абдулаҳадхон(1885-1910) ва Саид Олимхон (1910-1920) давридаги амирликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тарихи ҳақида қимматли ва батафсил маълумотларни ўзида мужассам этган. Мирза Салимбек юқорида тилга олинган амирлар ҳузурида давлатнинг юқори лавозимларида хизмат қилган:



оддий мирза (котиб)ликдан девонбеги унвонидаги бош закотчи лавозимигача эришган. Кўп йиллар амирликнинг турли вилоятларида ҳокимлик қилган. Давлат иши юзасидан ўн икки йил Тошкентда яшаган, Туркистон генерал-губернаторлари билан бевосита мулоқотда бўлган. Элчилар таркибида Петурбургга сафар қилган.

Албатта, биз бу шахсни миллатимизнинг қаҳрамони ёки истиқлол учун курашган фарзанд эди, деяолмаймиз. Аммо унинг фаолияти ўтмишимиз ҳақида, аниқроғи 1885-1910 йиллар даврини ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Марҳум тарихчи олим Наим Норқулов томонидан тадқиқ этилиб, форс-тожик тилидан рус тилига таржима қилинган ушбу мемуар асар Ўзбекистон янги тарихи марказида нашрга тайёрланиб, яқинда "Академия" нашриётида чоп этилди. Биз ушбу китобдан кичик бир парчани ўзбек тилига ўгириб, эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз. Унда Бухоро амирлигининг Абдулаҳадхон даврида Россия билан бўлган элчилик муносабатлари туфайли амирлик кишиларининг Петербург саёҳати ҳикоя қилинган. Бу тарихимизни ўрганиш нуқтаи назаридан қизиқ ва эътиборли деб ўйлаймиз.

Тўлқин ТОҒАЕВ,
Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази етакчи илмий ходими.

ПЕТЕРБУРГГА САЁҲАТ

...Шундай қилиб, ўн кундан кейин биз Оренбургдан жўнадик. Поездга ўтириб, Самара губернияси орқали Московгача етиб бордик. У ердан эса Петербургга етиб келдик. Император Бухоро подшосига бўлган ҳурматидан бизни кутиб олиш учун олий мартабали кишиларини жўнатди. Аскарлардан қоровул сафлаб, бизни катта эҳтиром билан Малой Морской кўчасидаги «Грант Отель» меҳмонхонасига олиб келишди ва кўп иззат-ҳурмат кўрсатишди. Икки кундан сўнг биз Худо назар солган Бухоро подшосининг совға-саломлари ва амирнинг олиймақом мактубини олиб, император Николай Александрович саройига йўл олдик. У билан кўришиб, туҳфаларни топширдик. Император ва тахт вориси бир соатча Бухоро совғаларини томоша қилдилар ва жаноби олиймизнинг ҳимматларидан кўнгиллари тўлди. Бизнинг ҳар биримизни сийлашди. Император бизга яхши гаплар айтиб, Станислав ордени, бриллиант узук, тилла соат ва қимматбаҳо чакмонлар билан тақдирлади. Булардан мамнун бўлиб, жойимизга қайтиб келдик. Императорнинг илтифотли муносабати туфайли Петергоф, Гатчинлар, Царское село боғларини айланиб, томоша қилдик. Денгиздаги катта шаҳар Кронштат қалъасини кўрдик. Биз Петербургда олтмиш икки кун бўлдик. Ҳар куни шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдик, кечқурунлари эса театр ва сайлларда кўнгил ёздик. Петербург кутубхонасида, Аллоҳ ундан рози бўлсин, Усмон Қуръонини кўриб, уни ўқишга муяссар бўлдик. Россиянинг бошқа вилоятларида мусулмон масжидлари бўлиб, Петербургда эса бундай даргоҳ йўқ эди. Бу ерлик мусулмонлар бино ёллаб, шу жойда беш вақт ва жума намозларини ўқишар эди. Ҳазрати олийлари Абдулаҳадхон ўз подшолиги даврида тўрт марта Петербургга сафар қилди ва император Николай Александрович билан дўстона алоқада бўлди. Дўстлик одатларига биноан амир Петербургда ажойиб масжид бино қурдирди. Бундай баланд масжид ҳеч бир подшо даврида бўлмаганидан, у ҳаммани ҳайратга солди.

Гапнинг қисқаси, Петербургда 62 кун бўлиб, биз тўп ва милтиқ ишлаб чиқарадиган корхонани, тилла ва кумуш танга чиқарадиган зарбхонани, парча, фаранги, сатин ва бошқа матолар тўқиб чиқарадиган фабрикаларни, савдо расталари, заргарлик дўконлари ва соат устахоналарини томоша қилдик. Кечалари театрларга тушдик. Ҳар бир пьессада турмушдан мамнунлик бор эди, бунинг учун ўз подшосини алқаб, ҳақига дуо айтар эдилар. Малой Морской кўчасидаги меҳмонхонада ҳар биримиз учун алоҳида икки хонали номер ажратилган бўлиб, бу жойда биз барча қулайликлар билан яшадик...

Олтмиш икки кундан кейин бизга кетишга рухсат беришди. Кузатувчи император номидан тортиқлар келтирди. Хусусан, камтарин қулингизга катта тилла соат, битта бриллиант узук, битта олтиотар револьвер, иккинчи даражали Станислав ордени, битта мовут чакмон ҳадя қилинди.

Икки кундан сўнг жўнаш учун вокзалга келдик. Генераллар ва бир неча мартабали аъёнлар бизни вокзалгача кузатиб қўйишди. Биз вагонларга жойлашиб, хайрлашдик...

ГАЗЕТА ЎҚИМАЙДИГАН РАҲБАР

Шоҳбекатда зерикмаслик учун сумкамдан газета олиб, ўқий бошладим.

— Оббо, уйда ҳам газета, кўчада ҳам газета, ишхонада ҳам газета эканда-а, ўртоқ журналист, — деди кимдир.

Қарасам, нуфузли идорада ишлайдиган танишларимдан бири.

— Газетасиз ҳаёт, ҳаётми? — дедим унга.

— Бе-е, қўйсангиз-чи? Ҳозирги кунда асосий масала тирикчилик. Газета фалон пул бўлса, ким олиб ўқирди? Боз устига, олди-қочди гапларга асло ҳушим йўқ-да...

Ҳозиргина келиб тўхтаган автобусга чиқиб, ўриндиққа чўкдим. Хаёл олиб қочиб, ҳалиги раҳбарнинг идорасига борганимда юз берган воқеа кўз олдимда гавдаланди. Ўшанда қуйидаги суҳбат бўлиб ўтганди.

— Вилоят газетасининг кечаги сонини ўқидингизми? — деб сўрадим ундан

— Нима эди? — деди у хавотирланиб.

— Бир ходимингиз ҳақида мақола чиққан экан...

Кейин у хижолат бўлиб газетанинг кечаги сонини топди. Уни кўздан кечирди. Ходими ҳақидаги материални ҳам топди. Лекин ўқимади...

— Мен учун газетасиз ҳаёт жилосиз кўринади...

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

— Дабдабали гапларингизни қўйсангиз-чи, — дея сўзимни бўлди у. — Бунақа қуруқ гаплар билан кун кечириб бўларканми? Тўғри, газета ўқимайман. Лекин... кам бўлганим йўқ. Ўн йилдан ошдики, раҳбарлик лавозимида ишлаб келаяпман...

Мана сизга катта бир ташкилот раҳбарининг фикри! Бу хилдаги кишиларни ким дейиш мумкин? Ақалли қўл остида ишлайдиган ходими тўғрисидаги мақолага бир кўз югуртириб қўймади-я! У ҳақида ҳатто нима деб ёзибди дея қизиқмадиям-а?

Мунаввар ОХУНОВА
"Иқбол" (Андижон)
04.06.2009 йил.

БАЛИҚ ЎТ ЕЙДИМИ?

Ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Шаҳрисабз тумани, Келдиҳаёт қишлоғида яшовчи Холмурод Ғофуров юқорида айтилган мақолни унутиб, ҳою-ҳаваса берилди. Оқибатда бир гектарлик сув ҳавзаси олиб, балиқчилик хўжалигини ташкил этишга киришмас эди. Бу гапни эшитиб, шу атрофда истиқомат қилувчилар орасида ҳали балиқ емаса-да, бу луқмаи ҳалолни ўз дастурхонида тасаввур қилиб, тамшаниб қўйганлар ҳам бўлди.

Афсуски, орадан анча вақт ўтсада, ўша мақталган балиқчилик хўжалиги ҳанузгача ташкил этилганича йўқ десак, муболаға қилган бўламиз. Лекин хўжаликнинг ишлари гуркираб кетди десак, муштарийларни алдаган бўламиз. Ҳамроҳларимиз билан балиқ боқилаётган жойга борганимизда рости «Қаерга келиб қолдик» дея ҳайрон бўлдик. Бу ерларга гўё анчадан бери ҳеч ким қадам босмагандай. Сув ҳавзаси қаровсиз аҳволда. Унда ҳар хил ўтлар ўсиб ётгани Жанубий Америкадаги кўлларни эслатади.

Холмурод Ғофуров балиқчилик хўжалиги ташкил қиламан деган мақсадда банкдан 5 миллион 600 минг сўмлик кредит олганди. Хўш, ўша пуллар қаёққа кетди-ю, нимага ишлатилди? Кейин балиқ қорамол эмаски, ўсиб кетган ўтларни ҳам еб сермираверса! Ёки Холмурод Ғофуров шунақа балиқ турини кашф этмоқчимикин-а?

ҒОФУРБЕК
"Кеш" (Шаҳрисабз)
06.06.2009 йил

ИШЧИ ГУРУҲ ЛОҚАЙД БЎЛСА...

Қишлоқларимизда кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш учун Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳамда тегишли идоралар томонидан ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Хўш, бугун жойларда бу масалалар билан боғлиқ аҳвол қандай? Ишчи гуруҳлар ўз вазифасини қай даражада уддалаяпти?

Қибрай, Бўстонлиқ туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳридаги ишчи гуруҳ аъзоларида кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, касаначилик, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу йўл билан аҳоли бандлигини таъминлашга доир оддий маълумотлар ҳам йўқ экан. Оқибатда жойлардаги ишларнинг натижаси билан ўзимиз танишдик.

Маълумотларга кўра, Чирчиқ шаҳрида 4 ой давомида 1835 та, жумладан, ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ҳисобига 66 та, янги очилган кичик корхона ва микрофирмалар ҳисобига 480 та, касаначилик ҳисобига 167 та, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш эвазига 12 та, кичик бизнес корхоналари фаолиятини қайта тиклаш йўли билан 99 та, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 107 та янги иш ўринлари яратилган.

Бўстонлиқ туманида ушбу ишга масъул бўлган туман тадбиркорликни рўйхатга олиш инспекцияси бошлиғи Маъмуржон Назаров даволанишда экан. Маълумот учун Ҳасан Эгамбердиевга мурожаат қилишимизни маслаҳат беришди. Бироқ, бу кишини ҳам тополмадик.

Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ
«Тошкент ҳақиқати»
(Тошкент вилояти)
20.05.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

ХОРИЖ МАТБУОТИ

«АРГУМЕНТЫ И ФАКТЫ» ТАЖРИБАСИ

Шундай нашрлар борки, уни мунтарий газета дўкони олдида интиқлик билан навбатда туриб сотиб олади, баъзида эса уни топиш амримаҳол бўлиб қолади. Хўш, бунинг сабаби нима? Шу каби саволларга жавоб топиш ниятида катта аудиторияга эга бўлган Россиянинг энг нуфузли нашрларидан бири — «Аргументы и факты» ҳафталигининг тажрибасини чуқурроқ ўрганишни мақсад қилдим. Негаки, кўпдан бери «АиФ»ни ўқиб бораман. Орзуларимдан бири эса газета тажрибасини ўрганиш эди. Буни қарангки, тақдир тақозоси билан Москвада сафарда бўлдим. Бу пайтда менда газетанинг тарихи ва бугунги аҳволини ўрганишга қизиқиш туғилди. Ҳатто малакавий битирув ишимни ҳам «АиФ» тажрибасини ўрганишга бағишладим.



«АиФ» ТАРИХИДАН

«АиФ» 1978 йили Умумроссия жамоатчилик билан ишлаш маркази томонидан ташкил этилган. «Знание» илмий-методик тарихий-статистик маълумотлар маркази ўз архивидаги бирор нашрда учратиш мумкин бўлмаган муҳим фактларни илк бор «АиФ» газетасига тақдим қила бошлаган. У пайтда ҳали «АиФ» кундалик газета сифатида чоп этилмасди. Орадан икки йил ўтгач, яъни 1980 йилдан «АиФ» ҳафталик газетага айланди. Фарқи шундаки, у пайтлари газета сотувга чиқмас, матнлар машинкада териларди. Қолаверса, ҳар бир материал алоҳида текширувдан ўтказилиб, цензура қилинган. 1985 йили бошланган қайта қуриш даври катта ўзгаришлар умидини берди. «АиФ» журналистлари ўз фаолиятларини ошкоралик принциплари асосида кучайтириб юбордилар. Натижада КПСС Марказий Комитети бош котиби шахсан Михаил Горбачёв билан «АиФ» бош муҳаррири Владислав Старков ўртасида низо пайдо бўлди. Цензурага учраган мақолаларни чоп этгани учун газета муҳаррири ҳибсга олинади. Бундай ноҳақликка таҳририят ходимлари қарши чиқиб ўз бошлиқларини қатъий туриб ҳимоя қилдилар. Оқибатда В.Старковнинг ишга қайтишига эришилди.

XX аср 90-йилларининг аввали ўзгаришлар, бурилишлар даври бўлди. Одамлар бундай пайтда ҳар бир соҳада янгилик кутади. Айниқса, журналистлардан. Мамлакатдаги замон билан ҳамнафас нашрлар ўз олдига халқнинг кўнглини топиш, оғирини енгил қилиш каби мақсадларни қўйдилар. «АиФ» ҳам ана шундай газеталар қаторида дастлабки ишини газетхонларнинг хатларига жавоб ёзишдан бошлади. Кўп ўтмай газета саҳифалари мамлакат ҳаётининг турли соҳаларига оид камчиликларни очиб ташлайдиган, ўқувчининг виждонини уйғотиб, онгини ўстирадиган, фаол гражданликка даъват этувчи турли жанрдаги мақолаларга тўлиб чиқа бошлади. Бу мақолаларда замондошлар кўнглида чўкиб ётган орзу-умидлар, дарду ҳасратлар шу пайтгача айтилмаган ҳақиқатлар ўз ифодасини топди. Халқнинг кўнглидагини тилига чиқаргани учун «АиФ» кенг ўқувчилар оммасининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Уларнинг севимли нашрига айланиб қолди. Газета замонани теран идрок қиладиган билимдон, мустақил фикрли, қалами ўткир муаллифларни ўз атрофига тўплади. Қисқа вақт ичида «АиФ» журналистлари мамлакат газетхонлари орасида кўпчилик танийдиган машҳур шахсларга айланди. Ҳатто «АиФ»да ишлайдиган журналистлар кўплаб нуфузли совринларни қўлга киритди. Жумладан, фотомухбир Андрей Дорофеевнинг фотоколлажлари «АиФ» обрўсига обрў қўшди.

— Журналистика соҳасига Андрей 1987 йили, тарих янгиланишларни талаб қилаётган вақтда кириб келди,— дейди «АиФ» мухбирларидан бири. — 1993 йили «Энг яхши журналист иши» номинацияси бўйича тақдирланган Андрейнинг фотоколлажлари жуда кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Кейинчалик унинг ишлари билан ҳатто шахсан Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведевнинг ўзи қизиқиб қолган. Негаки, Дорофеевнинг расмлари Россия матбуоти тарихида ўзига хос бурилиш ясади. Бу фотоколлажлар газетанинг ўқувчилари сафини миллионларга кўпайтирди.

ҲАФТАНОМАНИНГ АҲАМИЯТИ

«АиФ» — ҳафталик газета, пайшанба куни нашр этилади. Россиянинг 32 ҳудудига тарқатилади. Дунёда адади бўйича энг кўп нашр этилаётган газеталар сирасига киради. 1990 йили унинг тиражи ақл бовар қилмас даражада — 33,5 миллионга чиққани учун «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олди. Бугунги кунда «АиФ»нинг биргина Москва шаҳри бўйича 1072800 нафар ўқувчиси бор. Шулардан 57 фоизи эркаклар, 43 фоизи аёллар, 10 фоизини 16-24, 15 фоизини 25—34, 23 фоизини 35-44, 22 фоизини 45-50, 15 фоизини 55-64, 14 фоизини 65 ёшгача бўлган газетхонлар ташкил этади. Айни пайтда, газетага доимий равишда мақолалари билан қатнашиб турадиганлар сони 1 миллионга етади. Газета 62 шаҳарда чоп этилади ва 50 давлатга тарқатилади. Пойтахтнинг ўзида газетани тарқатадиган 900 сотув жойи ва 1500 матбуот тарқатувчи объект мавжуд. Бугунги тадқиқотларга кўра «АиФ»ни 10 миллионга яқин одам доим ўқиб боради. Айнан шу жиҳатдан ҳам «АиФ» Россияда биринчи ўринда туради. Газета саҳифаларида давлатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаёти тўғрисидаги таҳлилий мақолалар, хорижда рўй берган муҳим, қизиқ ва ғайритабиий воқеа-ҳодисалар, табобат олами каби мавзулар ёритиб борилади. Газетанинг асосий ютуғи— халқнинг ишончини қозонганидир.

Хўш, «АиФ» халқчиллигининг асосий сабаби нима? У қандай қилиб эл-юрт ишончига кириб борган?

Машҳур кишилар билан суҳбатлар олиб бориш, уларнинг ҳаёти, ўй-қарашларини ёритиш бугун кўпчилик журналистлар учун анъанага айланган. Лекин бир жиҳатни тан олиш керакки, «АиФ» саҳифа қаҳрамонлари сифатида деярли ҳеч ким билмайдиган қобилият эгалари бўлган оддий инсонларни кўп танлайди. У машҳур кишилар қаторида оддий инсонларни ҳам машҳур қилади.

Бирор тадбир ёки расмий учрашув йўққи, «АиФ» ходимлари қатнашувисиз ўтса. Чунки Россия ҳудудида чиқаётган босма нашрлар ичида фақат «АиФ»гина оддий халқнинг турмуш тарзи муаммоларини кенг, изчил ёритиб келади.

«Аиф»нинг энг асосий хусусиятларидан яна бири — ўқувчи билан доим мулоқотда бўлишидир. Мақолаларнинг аксарияти мухлислардан келган саволлар асосида ёзилиб, унга мутахассислар жавоб беришади. Иқтисодий кўрсаткичларни рақамларда бериш, ранг ва тасвирдан оқилона фойдаланиш ҳам «АиФ»га хос хусусиятлардандир. Безаклар саҳифаларда сабабсиз, шунчаки ишлатилмайди. Газета саҳифаларида ҳар бир рангнинг ўз вазифаси ва юки бор.

ГАЗЕТА «ДУМ»ЛАРИ

Таҳририятга келган хатларни ўрганиб чиқиб, мухлисларнинг таклифи билан газетада «Дочки и матери» (Қизлар ва оналар), «Суперзвезды» (Ёркин юлдузлар), «Долгожительье» (Узоқ умр кўрувчи), «Здоровье» ("Саломатлик"), «На даче» (Чорбоғда) каби янги саҳифалар очилди. Бир қанча вақтдан кейин эса, бу саҳифалар «АиФ» қошидаги алоҳида илова нашрларга айланди.

Россияда журналларнинг икки хил кўриниши бор. Бири — анъанавий, иккинчиси — Ғарб, Европа русумидаги журналлар. «АиФ» журналларини яратиш ҳақида гап кетганда, газета ходимлари олдига журнални миллий, анъанавий кўринишда яратиш вазифаси қўйилди. «АиФ» журналининг асосий аудиторияси эса аёллардир. Журналнинг биринчи тўплами тўлалигича табобатга бағишланди. Унда аёлларда учрайдиган ва айни пайтда уларни хавотирга солаётган турли касалликлар ва уларга қарши курашишга доир мутахассис фикрлари бериб борилади.

«АРГУМЕНТЫ И ФАКТЫ» БУГУНГИ КУНДА

2008 йили «АиФ» газетасининг 30 йиллиги кенг нишонланди. «TNS CALLUP MEDIA» нашрининг маълумотларига қараганда, биргина газетага обуна бўлганлар сони ўша йили 9258100 кишини, яъни Россия аҳолисининг 11,7 фоизини ташкил қилади. «АиФ»нинг байрам сони махсус лойиҳа асосида чиқди. Бу махсус сон Москвада 500000 нусхада нашр этилиб, Россия аҳолисига мутлоқ текинга тарқатилган. Махсус сон мақолалари устида энг кучли мутахассислар иш олиб бордилар. Мақола мазмунининг аксарияти 30 сони билан боғлиқдир.

***

Вақти-вақти билан дунё нашрларининг бой тажрибасини ўрганиш ўзимизнинг матбуотимиз равнақи учун ҳам хизмат қилади, деган фикрда таҳририятдан катта таассуротлар билан қайтдим.

Ҳулкар ФАРМОН қизи

НАШР

Маълумки, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳуқуқ ҳимояси масалаларига ихтисослаштирилган 20 дан кўпроқ вақтли матбуот нашрлари, шу жумладан "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журнали чоп этилмоқда. Яқинда мазкур журналнинг навбатдаги 2-сони нашрдан чиқди. Ундан демократик қадриятлар, Омбудсманнинг 2008 йилдаги фаолияти, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган мақолалар билан бирга "Ўзбекистон ва жаҳон", "Нуқтаи назар" рукнларида "Сайловда абсентизм: хорижий мамлакатлар тажрибаси", "Очиқ денгизнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми ва ички континентал давлатларнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқлари", "Тил ва замонавийлик" мавзуларидаги бир қатор илмий-таҳлилий мақолалар ўрин олган.

АСОСИЙ МАВЗУ — ИНСОН ҲУҚУҚИ

Жумладан, муаллиф Жамолиддин Ҳакимовнинг "Ахборотлашган жамият: инсон ҳуқуқларини таъминлашда журналист масъулияти" мақоласида бугунги журналист, унинг зиммасида турган долзарб вазифалар, масъулият хусусида фикр юритилса, Музаффаржон Мамасиддиқовнинг "Ходимларнинг адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқларини амалга ошириш" мақоласида мамлакатимизда ходимларнинг ҳаёти ва соғлигига нисбатан етказилган зарар учун иш берувчининг жавобгарлигини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштиришга оид чоратадбирларни амалга ошириш, ходимларнинг муҳим ижтимоий ҳуқуқи ҳисобланмиш меҳнатга доир ҳуқуқларининг суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлайдиган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб аҳамияти хусусида мулоҳаза юритилган.

Шунингдек, нашрдан қонун ижодкорлиги муаммоларига бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган. Хусусан, Тўлқин Набиевнинг "Қонунларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг амалий аҳамияти", Алишер Мўминовнинг "Ахборот-коммуникация технологиялари: ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб масалалари" мавзуларидаги мақолалар ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Эътиборли томони, муштарийлар журналдан ўзбек тилидаги мақолалардан ташқари рус ва инглиз тилидаги материалларни ҳам ўқиши мумкин. Бу ҳам нашр ўқувчилари сони ортиб, уни хорижликлар ҳам мутолаа қилишига имкон яратади. Бир сўз билан айтганда, журналнинг янги сони мамлакатимизда демократлаштириш жараёнларининг чуқурлаштирилиши, фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш каби долзарб масалаларни қамраб олгани билан барча муштарийларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Иноможон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

IPOTEKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

акциядорлик тижорат ИПОТЕКА БАНКи Сизларга янги, йиллик *28* фоиз устама тўланадиган *3* ойгача бўлган муддатларга қабул қилинадиган

“САРМОЯ”

омонат турини жорий этганини маълум қилади.

Омонатга жойлаштирилган маблағингизнинг ҳисобланган фоизларини ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг олишингиз мумкин. Омонатнинг энг кам миқдори чегараланмаган.

Ипотека банкнинг *барча жамғарма кассалари Сизнинг хизматингизда.*

Ипотека банк *омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди.*

Ипотека банк — *Сизни ўз мижозлари қаторида кўришдан хурсанд.*

Ипотека банкдаги *омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларни ҳимоялаш фонди томонидан ҳимоя қилиниши кафолатланган.*

Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 150-89-56
(8-371) 150-89-57
(8-371) 150-89-58

Хизматлар лицензияланган

ТАФСИЛОТ

Украина:

САЙЛОВДАН ОЛДИНГИ МОЖАРОЛАР

Шу кунларда жаҳон ҳамжамияти сўнгги эллик йилдаги энг катта иқтисодий инқирозни бошидан кечирмоқда. Дунёдаги ҳеч бир давлат бу бўҳрондан четда қолмади. Албатта, қайсидир мамлакат иқтисоди бутунлай издан чиқиш даражасига етди, бошқа давлатга эса унинг шамоллари келиб тегди. Инқироз туфайли энг қийин аҳволга тушган мамлакатлардан бири Украина бўлди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Украина халқи нафақат интисодий бўҳрон, балки сиёсий инқироздан ҳам жабр чекмоқда.

Маълумки, бир неча йилдан буён бу ердаги энг катта сиёсий кучлар ҳисобланган Виктор Янукович раҳбарлигидаги Регионлар партияси ва амалдаги бош вазир бошчилик қилаётган Юлия Тимошенко блоки ҳамда амалдаги президент Виктор Ющенко партияси ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли Украинадаги сиёсий вазият кескин бўлиб турибди. Бу эса истайсизми, йўқми иқтисодий тараққиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг кузида ёки келгуси йилнинг қишида мамлакатда президент сайлови ўтказиш режалаштирилган. Сайлов куни ҳали аниқ бўлмаса-да, партия ва ҳаракатлар ўртасидаги кураш аллақачон бошланиб кетди. Таҳлилчиларнинг гапларига қараганда, бу сайловда ким ғолиб чиқишини бугун ҳеч ким тахмин ҳам қила олмайди. Чунки кучлар деярли тенг.

Бундан сал олдинроқ жаҳон оммавий ахборот воситаларида Юлия Тимошенко блоки ва Виктор Янукович раҳбарлигидаги Регионлар партияси коалицияга бирлашиб, президентни халқ эмас, балки парламент сайлаши ҳақида мамлакат конституциясига ўзгартириш киритиш ташаббуси билан чиқиши ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлганди. Кейинроқ эса коалицияга бирлашиш ҳақидаги бу хабарни ҳар икки томон вакиллари ҳам таъкидлашди.

Хабарларга қараганда, келишувга биноан мамлакат президенти лавозимини Виктор Янукович, бош вазир лавозимини эса Юлия Тимошенко эгаллаши лозим эди. Лекин ўтган ҳафтада Янукович дафъатан президент умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланиши тарафдори эканини билдирди. «Қалбим менга президентни умумхалқ овоз бериши йўли билан ва тўғридан-тўғри сайлаш ягона тўғри йўл эканини айтмоқда», — деди у. Ушбу чиқиш коалиция бекор бўлганини билдирар эди.



Ушбу баёнотдан норози бўлган бош вазир ўз тарафдорларига телевидение орқали мурожаат қилди. Унинг ҳаяжонлангани, Януковичнинг қароридан норози экани шундай билиниб турарди. У гапираётган пайтида бир неча марта адашиб кетди. Тимошенко ўз тарафдорларига мурожаат қилар экан, энди, албатта, президент сайловида иштирок этишини ва ғалаба қозонишига ишонишини билдирди.

Хўш, нима учун Янукович бирдан бундай қарорга келди. Айрим шарҳловчиларнинг таъкидлашича, Янукович аслида ҳеч қандай келишувни истамаган. Шунчаки, бирлашиш ғоясини илгари суриш билан Юлия Тимошенко тарафдорларини сайловлардан чалғитмоқчи бўлган. Иккинчи сабаб эса Украина парламент республикага айланадиган бўлса, президентнинг ваколатлари кескин камаяди. У регионлар раҳбарлари, вазирларни ишга тайинлаш ёки бўшатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Шундай экан, бундай президентлик Януковичга керак эмас. У Буюк Британия қироличаси даражасидаги шахсга айланиб қолади. Мамлакатни эса амалда бош вазир Юлия Тимошенко бошқаради. Шунинг учун у шундай йўл тутган бўлиши ҳам мумкин.

Икки йирик куч ўртасида коалиция тузиш масаласи чиппакка чиққанидан биринчи навбатда амалдаги президент Виктор Ющенко хурсанд бўлди. У ўз тарафдорларига мурожаат қилар экан, ҳар икки раҳбарни ҳам сўзида турмасликда айблади. Албатта, бошқа партия ва кучлар ҳам вазиятдан фойдаланиб қолишга уринмоқда. Масалан, мамлакат Олий Радасининг собиқ спикери Арсений Яценюк Регионлар партиясининг қарорини маъқуллар экан, вазиятдан ўз тарафдорлари, албатта, фойдаланишини билдирди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тахминларга қараганда, Яценюк ҳам президентликка ўз номзодини қўядиганга ўхшайди.

Хуллас, нима бўлганда ҳам яқин ярим йил ичида ўтиши кутилаётган сайловда ҳар бир партия алоҳида-алоҳида қатнашади. Коалицияга бирлашиш ва кейин ажралиш тўғрисидаги қарор ҳар икки куч — ЮТБ ва Регионлар партияси тарафдорлари учун ҳам яхшигина зарба бўлди.

Украина собиқ шўролар даврида саноати ва қишлоқ хўжалиги энг ривожланган республикалардан бири эди. Лекин рангли инқилобдан сўнг мамлакатдаги сиёсий кучлар ўртасида бўлиниш пайдо бўлди. Корхоналар ўртасидаги алоқалар издан чиқди. Кейинги йилларда Олий Раданинг бир неча марта тарқатилиши ва бош вазир ҳамда президент ўртасидаги очиқдан-очиқ курашлар мамлакатда турли гуруҳларнинг пайдо бўлиши, минтақалар ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши, энг асосийси, аҳолининг оғир иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечиришига олиб келди. Энг ёмони, бу курашлар мамлакатнинг халқаро обрўсини тушириб юбормоқда.

БРАУННИНГ БАЁНОТИ

Буюк Британия бош вазири Гордон Браун кеча 2003 йилда мамлакат армиясининг Ирокка бостириб кириши юзасидан тергов ишлари бошланишини маълум қилди. Бош вазирнинг таъкидлашича, Буюк Британия шу йилнинг март ойидан бошлаб Ироқдан ўз армиясини олиб чиқиб кетишни бошлади. Бу иш жорий йилнинг 31 июль куни охирига етади.

Sky News хабарига қараганда, текширув ишлари ёпиқ ҳолда олиб борилади. Эслатиб ўтамиз, АҚШ билан биргаликда Ирокка ҳужум қилиш тўғрисида Тони Блэр раҳбарлигидаги ҳукумат қарор қабул қилган эди. Улар Ироқда ядро қуроли ишлаб чиқарилмоқда, деган баҳонани рўкач қилишганди. Аммо ўтган давр мобайнида ҳеч қандай ядровий қурол топилмади, лекин минглаб бегуноҳ одамлар уруш қурбонига айланди.

Интернет хабарлари асосида Дилноза ЖУМАНИЁЗОВА тайёрлади.

ASAKA BANK

“Асака” банк:

МИЖОЗ МАНФААТИ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Маълумки, “Асака” банкининг Андижон вилоят филиали ўз фаолиятининг барча жабҳаларида кўзланган марраларни эгаллаб келади. Хусусан, мижозларга замон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, уларга турли қулайликлар яратиш билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, самарали лойиҳаларни молиялашда ҳам муайян ишларни амалга ошираяпти. Бунинг амалий тасдиғини жорий йилнинг ўтган беш ойи ичида банк жамоаси иш кўламининг кескин кенгайгани, энг аввало, мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятининг оширилганидан ҳам билиш мумкин. Маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, янги-янги қурилишлар ва ободончиликка йўналтирилган кредитлар миқдорининг ўсиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Мамлакатимиз Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор ибратли амалиётлар олиб борилаяпти. Айни пайтда молиявий муассасада 43 хил омонат турлари жорий этилган бўлиб, уларга ўз маблағларини қўяётган мижозлар сони тобора кўпаяётганининг ўзи аҳолининг банкка бўлган ишончидан далолат, десак муболаға бўлмайди.

Юртбошимизнинг “Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эса банк фаолиятида мазкур йўналишга тегишли қатор тадбирларнинг ишлаб чиқарилиши ва ҳаётга татбиқ этилишига туртки бўлди. Биргина мисол. Жорий йилда вилоят бўйича коммунал ва бир марталик бошқа тўловларни қабул қилувчи 50 та “Пайнет” шохобчасини очиш режалаштирилган бўлса, ўтган беш ой ичида 40 та ана шундай шохобча ишга туширилди. Ҳозир пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизими ҳам фаолият кўрсатяпти. Бу ерда миллий валютадаги пластик карточкалар билан бирга халқаро валюта русумидаги карточкаларга хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Молиявий муассасанинг биргина “Фарҳод” филиалини оладиган бўлсак, бу ерда миллий валютадаги пластик карточкалар ўтган йилнинг охирига келиб 8258 тани, MASTER CARD MAESTRO халқаро валюта картаси 837 тани ташкил этган бўлса, кейинги беш ой ичида бу кўрсаткичлар янада ошди. Ҳозирда жами пластик карточкалар сони 9293 тага, MAESTRO валюта картаси 1895 тага етди. 92 та савдо шохобчаларидаги терминаллар эса узлуксиз ишлаб турибди.

Юқорида таъкидланганидек, молиявий муассаса фаолиятида айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга доир амалиётлар устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

— Давлат акционерлик тижорат “Асака” банки Андижон вилояти филиалининг 2009 йил 1 май ҳолатига жами кредит қўйилмалари 15 миллиард 100 миллион сўмга етказилди, — дейди банкнинг пул муомаласи ва нақд пул маблағлари берилишини мониторинг қилиш бўлими бошлиғи Азизбек Ҳамроқулов биз билан суҳбатда. — Ажратилган кредитлар асосан кичик бизнес субъектларига ҳамда жисмоний шахсларга берилган истеъмол ва ипотека кредитларидан иборат. Унинг асосий қисми фуқароларимизга уй-рўзғор моллари ҳамда уй-жой сотиб олиш учун ажратилган. Ушбу йўналиш бўйича филиаллар томонидан жами 9 миллиард 100 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит маблағлари тарқатилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилган фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 269 нафар ёш оилалар 5 миллиард 800 миллион сўм кредит эвазига уй-жой ва зарурий уй-рўзғор буюмлари билан таъминланди.

Инсвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида филиаллар томонидан 7 та, умумий миқдори 735 миллион сўмлик йирик инвестиция лойиҳалари молиялаштирилди. Жумладан, Олтинкўл туманида фаолият кўрсатаётган “Таъминот Анд” МЧЖнинг паррандачилик соҳасини ривожлантириш лойиҳасига 200 миллион сўм, шунингдек, Андижон шаҳри 1-кичик даҳасида жойлашган собиқ ётоқхона биносини қайта капитал таъмирдан чиқариб, шаҳар аҳолисига қулай ва замонавий кўринишдаги уй-жойга айлантириб бериши учун “Андижон Ирмаш ривожи” МЧЖ га 210 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Биз банкдан кредит олиб, ишлаб чиқаришни ривожлантираётган, янги-янги савдо ва маиший хизмат шохобчаларини яратаётган тадбиркорлар билан ҳам суҳбатлашдик.

— Фермамда 500 та қорамолим бор, — дейди “Таъминот Анд” масъулияти чекланган жамият раиси, олтинкўллик фермер Шамсиддин Холиқов. — Аҳолига гўшт ва сут маҳсулотлари етказиб бераман. Эндиликда паррандачиликни ҳам йўлга қўйишни ният қилганман. Ана шу мақсадда “Асака” банкидан 200 миллион сўм миқдорида кредит маблағи олиб, 20 мингта товуқ сотиб олдим ва паррандачилик учун зарур бўлган замонавий шароитларни яратишга эришдим. Бунинг учун аввало давлатимизга, қолаверса, молиявий муассаса маъмуриятига чуқур миннатдорчилик билдирмоқчиман.

— Замонавий меҳмонхона қуриш ва жиҳозлаш ишлари учун “Асака” банкидан 500 миллион сўм кредит олиб иш бошладим, — дейди “Орион технолюкс” масъулияти чекланган жамияти раисаси Ўктамхон Раҳмонова. — Аҳоли фаровонлигини ошириш, шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиш, халқимиз турмуш маданиятимизни юксалтириб боришдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган банк жамоасидан беҳад хурсандман.

Молиявий муассасанинг “Фарҳод” ва Асака шаҳар филиаллари жамоалари ҳам кўтаринки руҳда самарали фаолият юритишмоқда. Масалан, “Фарҳод” филиалининг кредит қўйилмаси жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига 4 миллиард 714 миллион 146 минг 480 сўмни ташкил этди. Шундан 1 миллиард 755 миллион 800 минг сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Умумий шартлар бўйича 1 миллиард 5 миллион 187 минг 500 сўмлик истеъмол ва 89 миллион 500 минг сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Бундан ташқари, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида Андижон шаҳрида тўрт қаватли 32 хонадондан иборат уй-жой қуриш учун “Андижон Ирмаш ривожи” МЧЖ га 400 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, ишбилармон хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 91 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди. Бундан ташқари, банк мижозларига 125 миллион 600 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, савдо соҳасини ривожлантиришга 504 миллион 100 минг сўм, қурилиш соҳасига 459 миллион 200 минг сўм, саноатни ривожлантиришга 35 миллион 600 минг сўм, чорвачилик фаолиятини ривожлантиришга 112 миллион 600 минг сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилган.

“Андижон Ирмаш ривожи”, “Жаҳон Жамол”, “Зайли замон”, “Офа Люкс Анд” ҳамда “Андроялсавдо” ва “Файкон” масъулияти чекланган жамияти ва кўплаб хусусий корхоналар молиявий муассасанинг йирик мижозлари саналади.

ДАТ “Асака” банкининг Андижон вилоятидаги филиалларидан Асака шаҳридаги шохобчасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Бугунги кунда филиал ходимлари мижозлар, шунингдек, шаҳар ҳамда туман аҳлини банк кредитларидан баҳраманд этиш, иш ҳақлари ва пенсия пулларини ўз вақтида тўлаб беришда бир қанча ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Маълумки, ҳар қандай хизмат тарғибот қилинганидагина яхши самара беради. Шу боис ҳам шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда “Маҳалла” жамғармаси бўлимлари вакиллари билан биргаликда жойларда турли хил тадбирлар ташкил этилмоқда. Шунга яраша мижозлар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб, иш кўлами ортиб бораётгани қувончли. Биргина ўтган йили ушбу банк мижозлари сони сезиларли даражада кўпайиб, 346 нафарга етди.

Барчага аёнки, бугун дунёда молиявий инқироз ҳукм сураётган бир пайтда юртимизда, шу жумладан, Андижон вилоятида ҳам иқтисодий барқарорлик таъминланган. Ўрни келганда бунёдкорлик, яшаш ва яратиш нияти билан истиқомат қилаётган халқимизнинг мунаввар кунларини кўриб, ич-ичидан зил кетаётган ғанимларимиз ўзларини қўярга жой тополмаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Аммо андижонликлар ҳеч қачон огоҳликни унутмаган ҳолда, нуфузли молия муассасаларимиздан бири — бўлган ДАТ “Асака” банкининг молиявий кўмагида бунёдкорлик ишларини фаол давом эттирмоқдалар. Молиявий муассасаларнинг бу хайрли ишларида ҳукуматимизнинг соҳага оид фармон ва қарорлари ҳамда Президентимизнинг “Жаҳон молиявий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” деб номланган асари дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

Солиҳ КАҲҲОР,
“Hurriyat” мухбири,
Денис ДРОКИН олган суратлар.

ҲА-ЁТ

ҲАЁСИЗДА ИЙМОН БЎЛМАС

Нонушта чоғида телевизордан томоша қилган иккита клипли қўшиқ дилимни хира қилди. Чуқур ўйга толдирди. Қўшиқ мазмуни (агар уни мазмун деб бўлса) ўз йўлига. Мени хонанда қизларнинг ножоиз хатти-ҳаракатлари ниҳоятда хафа қилди. Наҳотки, томошабин эътиборини шундай шармандали (узр), беҳаёларча йўл билан қозонмоқчи бўлишса? Ахир сунъий "оҳ-воҳ"лар билан одамлар қалбини ром қилиб бўладими? Бундан ҳам алам қиладигани, бу хонанда қизлардан бири "Ўртар" қўшиғи билан ҳануз халқимиз қалбини ўртаб келаётган машҳур халқ ҳофизининг, яна бири сермаъно қўшиқлари, жарангдор овози билан эл меҳрини қозонган аёл санъаткорларимиздан бирининг набираси экан. Қўшиқчи қизлар ўз бобо ва бувилари билан фахрланиб юришса керак. Бироқ, сира тасаввур қила олмайман: бу улуғ санъаткорлар жигаргўшаларининг бундай "қўшиқ"лари ёки "клип"ларини кўриб, "баракалла болам", деб елкасига қоқиб қўярмикан?!

Бу воқеа таъбимни хира қилгани етмаганидек, ўша куни ёш-у, қари бир неча киши бекатда автобус кутиб тургандик. Кўпчиликнинг эътибори ҳаё аталмиш ҳиссидан бегона йигит билан қизда. Қизнинг қўллари йигитнинг бўйнига чирмовукдай ёпишган. Йигитчанинг қўли ҳам "бекор" тургани йўқ, албатта. Биров ҳавас билан, биров ғазаб билан уларни кузатади. Чидаб туролмадим, йигитчага яқинлашиб қўлига бир урдим. Иккаласи ҳам чўчиб тушди, ҳайратданми, ғазабданми шаҳд билан мен томонга ўгирилишди. Шунда ҳам қиз йигитни қўйиб юбормади.

— Тинчликми, хола? Мен сизни танимадим! — деди йигит.

— Бу нима қилиқ! Уялмайсанми ёки қаерда турганинг эсингда йўқми?!

— Мен бекатдаман. Аммо сиз ўзингизни уйдаман деб ўйладингиз, шекилли. Мен ўғлингиз эмасман, ўғлингизни терганг, нима қиласиз бегоналарнинг ишига аралашиб! — деди йигит титроқ товушда. Ҳатто жаҳли чиққанидан бўлса керак, қулоқларигача қизариб кетди.

— Бегонамиш! Биримиз отангдан, биримиз онангдан каттадирмиз. Уятсиз! Менинг ўрнимда шу қилиғингни онанг кўрса, индамасмиди?! Ёки шу ахлоқсиз қизни келин қилишга рози бўлармиди?!

— Ким сизга унга уйланаман, деяпти. Йигитчилик, биз ҳам эркакмиз, тушунинг-да, ахир. Ёки ўзингизни кўрсатмоқчимисиз, ўқитувчисиз шекилли-а? — дея масхараомуз тиржайди у.

— Ҳақиқий эркак, аввало севгилисининг обрўсини ўйлайди, аяйди. Уни бегоналарга кўз-кўз қилмайди. Ҳақиқий эркак ҳатто ўз жуфти ҳалолининг ҳам бегона тугул ота-онаси, қўшниси олдида билагидан ушламайди. Бу бизда уят, беодоблик ҳисобланади.

— Ну ладно, Алик, прекрати... — шундай дея қиз менга норози қарадида, йигитни судраб биздан узоқлашди.

— Ҳозирги ёшлар шуда. На уятни билади, на ҳурматни, — деди бир амаки улар ортидан қараб туриб. — Муҳаббатнинг қадрини биладими булар?! Бугун бунисининг, эртага яна бошқасининг кўнглини хушлаш муҳаббат бўптими?! Гапириш бефойда. Қайси бирини тарбиялаб улгурардингиз.

— Э, шаҳар бедарвоза эмас-ку, уялтириш керак. Ўшанда сал ҳушёр тортишади. Одамлар билан ҳисоблашадиган бўлишади. Ана борсин паркка, панага ўтсин, — деди яна бир ёши каттароқ аёл. — Бошқаларнинг ҳам юз-кўзини очвораяпти шунақа беҳаёлар.

— Юз-кўз қоптими, ҳар хил чет эл киноларини кўраверіб, ўшаларга ўхшашга интилишади. Телевизорда кўрсатилаётган кинолар ҳам майли, ҳар ҳолда катталар назоратида. Бироқ, шунақанги шарманда дисклар бор эканки... айтишга тилим бормайди. Афсуски, уни ҳали ғўр ёшлар видеоларда, интернет клубларда томоша қилишади, ҳатто айрим жойларини қўл телефонларига ҳам кўчириб олишар экан. Ўйласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Бўйдоқнинг ақли кўзида деган гаплар бор, ахир. Шунақа ахлоқсизлар туфайли кишиларимиз турли бедаво дардларга чалиниб қолишаяпти. Менинг ҳам иккита ўғлим бор. Бундай ёмон таъсирлардан асраш учун доим ҳам уларни пойлаб юролмайман-ку! Адаси ҳам кун бўйи ишда, — куйиб-ёниб гапирди кўринишидан зиёлигина аёл.

— Қуш уясида кўрганини қилади. Ҳар куни юриш-туришидан хабардор бўлинг, ўртоқлари, ошна-оғайнилари кимлигини суриштиринг. Яхши одамларни ибрат қилиб кўрсатинг, ёмонлиги туфайли эл олдида юзи қора бўлганлардан гапиринг. Болангиздан келажакда кутаётган орзу-умидларингизни эслатиб туринг, — деди бир амаки. — Бири бўлмаса, бири эсида қолади. Кузатишларимдан шундай хулосага келдим: ёмон йўлга кўпроқ назоратсиз қолган ёшлар ёки камлик, кўстлик кўрмай ўсган йигит-қизлар кириб қолаяпти. Бола азиз, одоби ундан азиз. Боласидан кўра, унинг одобини яхши кўрадиган ота-онанинг фарзанди куйдирги бўлмайди.

Сездим, бу суҳбатимизга автобус кутиб турган ёшлар ҳам лоқайд қарашмади. Зора бу гаплардан улар тўғри хулоса чиқаришса. Шу таскин билан автобусга чиқдим. Одатдагидай одам кўп.

— Кейинги бекатдан чиққанлар, йўл ҳақини тайёрлаб туринг, — чипта сотувчининг овози эшитилди. Орадан бироз вақт ўтгач, у йўловчиларга урилиб-сурилиб бизга яқинлашди. 19-20 ёшлардаги чиптачи йигитнинг кийими кўзимга уни шундай совуқ кўрсатдики... Индамай қўя қолмоқчи ҳам бўлдим. Бироқ, ички бир нидо тинч қўймади. Эгнига аллақайси ажнабий юртнинг қора рангли майкаси (футболка эмас, росмана ич кўйлак) ва калта шим кийиб олган эди. Гўё у жамоат транспорти — автобусда эмас, қандайдир бир пляжда юргандай.

— Кондуктор, бу нима юриш? — дедим майкасига ишора қилиб.

— Кунни қаранг ёндираяпти-ку, — деди у иссиқданми, хижолатданми пешонасини силаб.

— Рисоладагидай кўйлак кий, терламайсан. Шу яланғоч баданингни эркагу аёл, ҳатто бўйи етган қизларга ҳам суртиб ўтаяпсан. Бу ҳамманинг ғашига тегаяпти. Қолаверса, тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам бу ишинг хато. Тағин бир дардни орттириб олма.

— Вой бў, ғирт ваҳимачи экансиз-у. Бу гапларингизни менга эмас, қорнини очиб юрган қизларга гапиринг.

У жаҳл билан олдинга ўтишга интилди.

— Қизларни қўявер, уларга ҳам ҳали навбат келади. Лекин опа тўғри айтаяпти. Кун бўйи турли тоифадаги одамлар чиқадиган жамоат транспортида ишлайсан. Бундай юришга ҳаққинг йўқ, — суҳбатга қўшилди ёнимдаги ўриндиқда ўтирган милиция ходими. — Ҳар бир ишхонанинг ўз қонун-қоидаси, талаби бўлади. Сенинг асосий вазифанг, тартибли кийиниш, йўловчилар билан ширин муомалада бўлиш. Шу қадди қоматингга, қизлар очиқ юрибди-ку, дейиш уят.

Автобус бекатда тўхтагач, чиптачи йўловчиларни кузатиш учун пастга тушди.

— Э, синглим, бундай ярим яланғоч юриш эркагу аёллар орасида уят саналмай қолди. Бизнинг пайтимизда аёллар-ку аёллар, ҳатто эркаклар — оталар, йигитлар ҳам дастурхон атрофига расамадида кийиниб, ўтиради. Қиз бола тугул ўғил бола ҳам ота-онаси олдида чўзилиб ётмаган. Шунақа эдик десак, эндиги ёшларга ёқмайди. Эскича фикрлайсиз, қариб қолгансиз. Ҳозир замон бошқача, енгсиз кўйлак ёки калта шим кийган билан яхши одам ёмон бўлиб қолмайди, дейишади, — дея гап бошлади олдинги ўриндиқда ўтирган кекса киши. — Аслида, кийим ҳам иймоннинг, ҳаёнинг бир белгиси. Тунов куни бир хорижий телеканалда Африканинг ёввойи қабиласи ҳақида кўрсатув берди. Тавба, қари-қари кампир-чоллар ҳам яланғоч, биргина лунгида юрибди. Кўрганнинг кўнгли озади. Бизнинг ҳам ярим яланғоч кийиниб юрган ёшларимизни ақлли, маънили деб бўладими?! Ҳаё бўлмаган жойда иймон ҳам бўлмайди.

У киши бир муддат сукут сақлаб яна давом этди.

— Мен ҳам кийиниш борасида ўғлимга, набираларимга кўп насиҳат қиламан. Лекин фойдаси йўқ. Ўғлим ҳам, келиним ҳам бир хил соч турмагида, бир хил калта шимда юраверади. Орқасидан ажратолмай ҳам қоламан. Ҳой болам, сал ўзингга қараб юр, десам кулиб қўяди, холос. Ўрганаман деса, ўзимизда ҳам қандай чиройли одатлар, кияман деса, қандай чиройли либосларимиз бор. Мен ҳам жуда бидъатчи эмасман. Фақат ҳамма нарса меъёрида бўлсин, дейман. Ўзимизни, ўзлигимизни унутиб қўймасак, дейман-да. Биз томири мустаҳкам, танаси бақувват халқмиз. Керак бўлса, манаман деган элларга ибрат бўладиган анъаналаримиз, бегона қўллар тугул бегона кўзлар ҳам тешиб ўтолмайдиган оиламиз бор. Афсуски, баъзи ёшларимиз бунинг қадрини билмайди. Аммо менга бир нарса таскин беради. Отам раҳматлик "Ёмонни яхши бўлди, деб суюнма, яхшини ёмон бўлди деб куюнма" ёки "Қазисан, қартасан, асл зотингга тортасан" дердилар. Мана ҳозир ҳам маънавияти бой, юртининг фахрига айланишга ҳаракат қилаётган ёшларимиз жуда кўп. Улар билан гаплашсам, дилим равшан тортади, келажакка умид уйғонади.

Мен ҳам ўйланиб қолдим. Отахон ҳақ. Гуруч курмаксиз бўлмайди. Эҳтимол кун давомида дилимга озор берган воқеалар ҳам ана шундай ўзбекона ахлоқимизни салгина хира қилиб турган оддий курмаклардир. Балки уларга гапириб тўғри қилгандирман. Гарчи бугун тўғри гапнинг тўқмоғи уларга қаттиқ теккан бўлса-да, эртага шифо бўлар. Чунки миллат боласининг бегонаси бўлмайди, уларнинг камчилиги — бизнинг камчилигимиз. Уларни тўғри йўлга солишимиз шарт. Шу хулосага келиб автобусдан тушаётганимда ҳайдовчи тўхтатди:

— Опа, танбеҳларингизни эшитдим. Узр, шогирдимнинг камчилигига эътибор қилмаган эканман. Эртагаёқ бу хатони тузатамиз.

— Илоҳо шундай бўлсин, қани энди ҳамма хатоларимизни тузата олсак...

Муҳаббат ҲАМИДОВА,
журналист.

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат

ТААССУРОТ

Рассомнинг икки портрети тарихи



"Гавҳаршодбегим" асарини эса рассом Пиримқул Қодировнинг "Она лочин видоси" романидаги тасвирларни ўз мушоҳадалари билан бирлаштириб чизган. Соҳибжамол ва доно аёл бўлган Гавҳаршодбегим асарда мадраса ичида ёнида китоб, қоғоз, қалам билан тасвирланади. Бу орқали рассом маликанинг мураббий сифатида ҳам илму зиё тарқатгани ҳақида қимматли маълумотлар беради. Қизил олма тимсолида рассом Гавҳаршодбегимнинг севги, муҳаббатга тўла қалбини тараннум этса, ўзига ярашган шоҳона ипак кўйлаги, зеб-зийнатлари, ҳарир рўмоли орқали шу давр маданий ҳаётидан дарак беради. Гавҳаршодбегим тасвири орқа фонида юлдузли осмон акс этган бўлиб, булутлар орасида кескир қилич ҳам тасвирланган. Шунингдек, асарга диққат билан қараган одам осмонда битта порлоқ юлдуз сўнаётганини кўради. Бу рамзий ифодалар Гавҳаршодбегимнинг душманлари томонидан боши танасидан жудо қилинганига ҳамда бу ёруғ дунёдан яна бир улуғ инсон шаҳид кетаётганига ишора қилади. Бу икки ноёб асар бизни олис мозийнинг сирли кечмишларига бир зумга бўлсада, ошно этиши билан ҳам қадрлидир.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, юртимизда кўплаб тарихий шахсларнинг қиёфаларини яратиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўн икки Темурий маликаларнинг портретини яратиш танловининг ўтказилгани ҳам бунга мисол бўла олади. Танловда қатнашган ўнга яқин рассомлар орасида Ўзбекистон санъат арбоби, рассом Ортиқали Қозоқовнинг икки буюк малика — "Сароймулкхоним" ҳамда "Гавҳаршодбегим" тарихий портрет асарлари алоҳида эътирофга молик. Рассом бу образларни яратишда жуда кўп манбалар, тарихий материаллар, образ ва қиёфаларга мурожаат этган. Масалан, "Сароймулкхоним" портретини чизишда О.Қозоқов испаниялик элчи Клавихо кундаликларидан фойдаланганини қайд этади. Испан элчисининг кундаликларида ёзилишича, малика Сароймулкхоним тадбирларда қуйидагича кийинарди: *"Эгнида зарҳал билан тикилган этаги ерга судралиб юрган узун ва кенг, енгсиз, қизил шоҳи кўйлак, белидан торайтирилмаган, этагигача кенгайиб боради. Маликанинг юзига офтобдан сақланиш учун оқ упа шу қадар қалин қилиб суртилганки, чеҳраси бамисоли оқ қоғозга ўхшайди. Юзига юпқа оқ рўмол тутилган. Бошида худди урушларда кийиладиган дубулғага ўхшаш баланд бош кийими, рўмолнинг учлари хонимнинг елкасига тушиб турибди".* Малика либосига бу каби батафсил берилган таъриф рассомга ўша давр ҳаёти, саройдаги аёллар либослари ҳақида қимматли маълумотларни берган.

лар орасида кескир қилич ҳам тасвирланган. Шунингдек, асарга диққат билан қараган одам осмонда битта порлоқ юлдуз сўнаётганини кўради. Бу рамзий ифодалар Гавҳаршодбегимнинг душманлари томонидан боши танасидан жудо қилинганига ҳамда бу ёруғ дунёдан яна бир улуғ инсон шаҳид кетаётганига ишора қилади. Бу икки ноёб асар бизни олис мозийнинг сирли кечмишларига бир зумга бўлсада, ошно этиши билан ҳам қадрлидир.

Дурдона МАХСУДОВА,
Республика рассомлик коллежи
3-курс талабаси.

ИБРАТ

ҲИММАТИ БАЛАНД ТАДБИРКОР

Бир гал пойтахтга келганимизда бойсунлик зироатшунос олим Парда Холиқов "Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Ҳар қадамда битта савдо маркази. Барчаси хусусий, мулкдорларники. Бойсунда ҳам тез орада шундай бунёдкорлик бўй кўрсатиши тайин", — деган эди ҳавас билан. Ўшанда Парда ака тадбиркорлар ишидан, қўлга киритаётган ютуқларидан тўлқинланиб сўзларкан, ўғли Мажид Холиқов ўзи ҳавас қилганидан ҳам аъло даражадаги савдо маркази барпо этишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса, ажаб эмас. Афсуски, Парда ака бугун орамизда йўқ, у кишига бу кунларни кўриш насиб этмади...

Бойсундаги супермаркет авваллари савдо ишлаб чиқариш корхонаси эди. Корхонанинг иши юришмай, инқирозга юз тутгач, Парда аканинг ўғли Мажид Холиқов уни хусусийлаштириб, кўркам супермаркет барпо этишга қарор қилди. Шу тариқа 2007 йилнинг сентябрида икки қаватли савдо биносини тубдан қайта таъмирлашга киришилди. Иншоотнинг ташқи томони замонавий қурилиш ашёлари билан безатилди. Бинонинг олд томонига қўшимча дўконлар қурилди. Биринчи қаватнинг ўнг томонида дўконлар, сўл томонида шинамгина чойхона ва ошхона, ўртада эса бозор расталари қад кўтарди. Қишда иссиқ, ёзда салқинлаштирувчи мосламалар ўрнатилди.

Бугун супермаркетдаги етмишдан ортиқ савдо дўконларида икки юз нафардан ортиқ тижоратчилар фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими бу ерда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган барча маҳсулотлар муҳайё. Биринчи қаватдаги расталарда ҳўл ва қуруқ мевалар, кўкатлар, қандолат маҳсулотларини сотиш йўлга қўйилган. Ундаги ўндан ортиқ савдо нуқтаси ярим тунгача ишлайди. Бойсунликлар ва бу қадимий маконга ташриф буюраётган меҳмонлар мазкур кўркам савдо кошонасидан турли озиқ-овқат маҳсулотлари, хушбичим кийимкечаклар, сержило газлама ва турфа хил рўзғор буюмлари ҳамда дорибармонларни харид қилишмоқда.

— Отамнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш асосий мақсадим эди, — дейди тадбиркор Мажид Холиқов. — Худога шукр ниятимга эришдим. У кишининг руҳи шод бўлса, мен ҳам бахтиёрман. Қолаверса, жамғарган сармоям она юртимнинг бир гўшасини обод қилишга асқотганидан, халқимизнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилишга озгина бўлсада ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

Ишбилармон М.Холиқов яқинда яна бир хайрли ишни амалга оширди. У туман аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш учун бир нечта янги русумдаги автобус харид қилди. Бир неча йилдан буён ўз ҳолига ташлаб қўйилган шоҳбекат қайта қурилди. Унинг кенг майдонига асфальт ётқизилиб, ободончилик ишлари олиб борилди.

Яна бир гап. Айни пайтгача Бойсундек туман марказида болалар яйраб ўйнайдиган майдон йўқ эди. Куни кеча тадбиркор уларга ажойиб совға ҳозирлади. Савдо маркази ёнидаги Наврўз майдонида болажонлар хиёбонини барпо этиб, унга Россиядан турли хил аттракционлар олиб келиб ўрнатди.

Албатта, Мажид Холиқовнинг бу ишлар билан чекланиб қолиш нияти йўқ. Ҳиммати баланд тадбиркор келгусида ҳам туман аҳлига қулайлик яратадиган кўплаб хайрли ишларни амалга оширишни кўнглига тугиб қўйган.

Омон ШУКУРОВ Ⓡ

МУТОЛАА

Буюк аллома ҳақида қисса



Абу Райҳон Беруний ҳақида ёзиш осонмас. Бунинг учун жаҳон илм-фанига оламшумул ҳисса қўшган, номи минг йиллардан буён тарих солномаларида олтин ҳарфлар билан битиб келинаётган бу улуғ қомусий олимнинг мисли-сиз илмий салоҳиятини, қудратли руҳиятини, бетакрор нодир сиймосини ҳис этиш, ақл-идрок ва қалб билан англаш талаб қилинади. Мана шуниси осонмас.

Шу маънода, таниқли адабиётшунос олим ва адиб Пирмат Шермуҳаммедовнинг Беруний сиймосига мурожаат қилиб, "Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати" деб номланган илмий-маърифий қиссани ёзгани ва асарнинг "Ворис" нашриётида чоп этилгани диққатга молик хайрли иш бўлган. Қисса назаримизда, замонамизнинг долзарб руҳий-маънавий эҳтиёжларига — миллий ўзликни англаш йўлидаги интилишларга ҳамнафаслиги билан ажралиб туради.

Бир вақтлар, яқин ўтмишда Беруний-дай тарихий сиймолар адабиёт ва санъатда акс эттирилса, бундай асарларда шоҳлар, хонлар — жаҳолат рамзи ҳисобланарди. Мана шунинг ўзида тарих ҳақиқати, айниқса, Шарқ тарихи гўё қийшиқ кўзгуларда акс этиб қоларди. Сабаби, Хоразмий ҳам, Беруний ҳам, Ибн Сино ҳам аллома сифатида шоҳлар, хонлар, султонлар билан ҳамкорлик қилишган. Бухоро ҳукмдори Сомонийлар тасарруфидаги кутубхона Ибн Синони вояга етказган. Бағдод ва Хоразм Маъмун академиялари ("Байтул-ҳикма"лари) Хоразмий, Фарғоний, Беруний ва бошқа буюк алломалар илмининг бешиклари бўлган. Пирмат Шермуҳаммедов ўз қиссасида Шарқ султонлари ва алломаларининг ўзаро муносабатларини тарихда қандай кечган бўлса, шундайлигича қаламга олади.

Олимлар ўз асарларини шоҳларга бағишлаган. Берунийнинг "Қонуни Масъудий" асарини эслайлик. Математика, география, астрономия фанларининг Беруний давридаги долзарб муаммолари тадқиқотига бағишланган бу асар Маҳмуд Ғазнавий вафот этгач, унинг тахтини эгаллаган ўғли, шаҳзода Масъудга эҳтиром билан битилган. Сабаби, шаҳзода Масъуднинг инсон ва шоҳ сифатида вояга етишида Берунийнинг мураббийлик хизматлари бор. Тўғри, ҳукмдорлар ва алломалар муносабати мураккабликлардан ҳам холи бўлмаган. Қиссада Берунийнинг Ибн Маъмун, Маҳмуд Ғазнавий, шоҳ Масъуд, Қорахоний подшолар билан муносабатидаги оғир, чигал ҳолатлар ҳам айрим лавҳаларда ўз ифодасини топган. Лекин бундан қатъи назар, ҳукмрон саройлар ўз ҳудудида илм-фанга ҳомийлик қилган ва ривожи учун шароит яратган. Қиссада Беруний илмий даҳосига бундай шарқона эҳтиром қизиқарли кўрсатилган.

Пирмат Шермуҳаммедов қиссасида буюк олимнинг ҳаёт йўли, бошидан кечганлари бор машаққати ва мураккаблиги билан гавдалантирилади. Китоб муаллифи Беруний ҳаёти ва фаолияти тўғрисида кенг маълумот тўплаган. Уни ёзиш учун катта тайёргарлик кўрган. Бу асарда яққол кўриниб турибди.

Айни пайтда ёзувчи Берунийнинг асарларини ҳам имкон қадар мутолаа қилган. Шу боисдан, қиссада алломанинг айрим машҳур асарлари мазмун-моҳияти ҳам китобхонларга таҳлил этиб берилади. Халқимиз Берунийнинг "Ҳиндистон", "Осор ул-боқия" ("Қадимги халқлардан қолган тарихий ёдгорликлар"), "Сайдана" ("Табобатда доришунослик"), "Қонуни Масъудий" каби асарларининг номларини яхши билади. Аммо бу асарлар қандай шароитда яратилган? Уларнинг ғоялари алломада қандай шаклланган? Бу асарлар нега ҳалигача яшаб ва одамзотни ўзига мафтун этиб келаяпти? Бунинг сабабларини эса кўпчилик яхши билмайди. П. Шермуҳаммедов қиссасида масала айнан шундай қўйилади ва уларга малакали илмий-оммабоп жавоблар берилади. Бу эса қиссанинг маърифий қимматини таъминлайди.

Умуман айтганда, асар бежизга "Даҳонинг туғилиши" деб номланмаган. Айни Беруний даҳосининг воқеликка айланиши — қиссанинг бош мақсади ва мазмунидир. Асар шу жиҳатдан ҳам қизиқарлидир. Бу даҳолик — Беруний асарларининг ўлмас илмий қимматида ўзини аён этади. Яъни масалан, "Ҳиндистон" асарида ҳинд халқининг тарихи, турмуш тарзи, этнографияси, маданиятининг ўзига хосликлари ҳавас қиларли даражада чуқур очилади. Шу боисдан мутахассислар бу асарни "Ҳиндистоншуносликда тенгсиз асар" дейишади. Мана шу ноёбликда — Беруний даҳоси мужассам. Ёки "Осорул боқия" — қадимги Шарқ тарихининг энг ҳаққоний кўзгусидир. Мана шу катта ҳаққониятда — даҳолик бор. Берунийга хос олимона қомусийлик — даҳоликнинг улуғ аломатларидан биридир... Биз бу фикрларни П. Шермуҳаммедов қиссасига суяниб, ундан келиб чиқиб айтаяпмиз. Чунки асарда Беруний шундай намоён бўлади.

Тўғри, қиссада баҳсли ўринлар ҳам бор. Масалан, кўп китобларда Беруний отадан эрта етим қолгани айтилади. П. Шермуҳаммедов қиссасида эса ота тирик ва у ўз ўғлини буюк устоз Абу Наср ибн Ироқ ҳузурига етаклаб келади. Ким ҳақ? Буни билиш учун китобхон қўшимча меҳнат қилиб, Беруний ҳақидаги китобларни яна титкилаши керак бўлади. Муаллифнинг эса қайси манбага таяниб, ушбу далилни келтиргани маълум эмас. Шунингдек, қиссадаги баъзи лавҳалар ўқувчига айтарли маъно бермайди. Масалан, бир ўринда аллома Абу Наср ибн Ироқ бутун сулоласи билан сафарга чиқади. Бу сафар пайтида эса ёш йигит Беруний алломанинг қизи Феруза билан юлдузлар тўғрисида суҳбат қуради. Шу кичик суҳбат учун аллома овора бўлиб, кўч-кўрони билан махсус сафарга чиқиши ишонарлими? Шунингдек, муаллиф айрим ҳолатларда узуқ-юлуқликларга йўл қўяди.

Лекин қиссанинг мавқеига булар раҳна солмайди. П.Шермуҳаммедов асари анча қизиқарли, салмоқли, тарихий, илмий-маърифий мазмун ва маънога эга ҳамда буюк олим тақдирига замонавий ёндашуви билан қимматлидир.

Михли САФАРОВ

Ўроз ҲАЙДАР

Муаллиф ҳақида икки оғиз сўз:

Шоир Ўроз Ҳайдар 1957 йили Чироқчи туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)да таҳсил олган.

Ўндан ортиқ шеърий ва насрий китоблар муаллифи. Қашқадарё вилоят ИИБнинг "Посбон" газетаси бош муҳаррири вазифасида хизмат қилади.

Ватан

Мени кутар ўзимдан ортиқ,
Ортиқ суяр отамдан кўра.
Кенг осмонни қиладир тортиқ,
Ҳар кун турар ҳолимни сўраб.

Бир қуш каби учгудай бўлсам,
Парвозимга қанот тутади.
Ё ногаҳон йўлда қоқилсам,
Кафтга олиб жим овутади.

Ҳув дўнгалак отам қабридир,
Ёнда онам, акамнинг қабри.
Тоғу тошлар унинг сабридир,
Қуримаган дарёлар сабри.

Айтинг менга, айтинг, шунчалик
Фарзандини кутармиди она.
Юрак очилмаган ғунчадек
Тўлғонами, ёниб мастона.

Кўк ёнами, қўями олам
Курагини ерга теккизиб.
Сийнасини ҳўл этган жолам,
Умрим йўлин қўйган-ку чизиб.

Қайтмоқдаман сафардан, мана,
Қалбни титар кўкнинг ларзаси.
Турналарнинг кўчкини каби
Ерни элар қайтиш лаҳзаси.

* * *

Сен кетдинг, кўксимдан узилди Юрак,
Эллик йил излаган шеъримсан, ахир.
Тоғ чўкмай деб ерга тираган тирсак,
Куйлар — куйган хазон, гул ҳиди — тахир.

Маддоҳлик фикратнинг ёрғичоғидир,
Токай юрагимни дондек янчурсан.
Қуёш кимнинг томчи қони доғидир,
Идроким кўзига игна санчурсан.

Оҳ кетдинг, кундузи қорайди Осмон,
Юлдузлар чўғидан тераман сўзим.
Тонгги шабнам каби дилдирар виждон.

Наҳот мангу очиқ кетажак кўзим,
Тошимни эзмакдан шодлангунг шоён,
Кафанин юлиб-да ёнар юлдузим.

Тушдан кейинги ўй

Сизга аччиқ қилиб нима топдим мен,
Умр бўйи топганим йўқотдим холос.
Ўз экkан ниҳолим, наҳот чопдим мен,
Ўзимдан ўзимни этдимми халос.

Бир парча қоғоздай ёқдим осмонни,
То мовий тўрига илинмайин деб.
Барча забт этган юксак довонни,
Забт этмоқ кўйида адашдим елиб.

Сизга аччиқ қилиб йўқотдим кўзгум,
Кўрпамга ўт қўйдим, йўқ эди бурга.

ШЕЪРИЯТ

Юлдузлар чўғидан тераман сўзим

Сиз ҳам анойимас, олмасдан улгум,
Яна мени менсиз тиқибсиз гўрга.

О, бу зилзиладан титрамади Ер,
Бир туш нафратига йўргакланди шеър.

* * *

Жиғингизга тегдим бадфеълим билан,
Итга қарагандай ғамгин қарайсиз.
Мен билан ишингиз йўқ-ку, биламан,
Менсиз кўп ишларга ҳали ярайсиз.

Мен каби қушларга қўймайсиз тузоқ,
Чоҳ ҳам қазимайсиз оҳулар учун.
Гарчи ҳамроҳдирмиз, яшаймиз узоқ,
Сиз каби ненидир куттум, тушунинг.

Агар салом бўлса, худонинг қарзи,
Афсус, саломимга кўрмадим раво.
Аммо кетолмайман бу ердан бир зум,
Қушдай парвонаман, сиз-чи, бепарво.

Гар мусбатнинг қутби мусибат бўлса,
Манфийлик — мавҳумлик қутбин яратар.
Таажжуб, негадир кўкка тикилсак,
Бир кўзгу бизларни бирга қаратар.

* * *

У ўзидан кўра
бўйинбоғини яхши кўрарди.
Тунги ечиниш олди
бўйинбоғини авайлаб ечар,
тонгда ҳам шу тахлит
оҳиста илади бўйнига.
ҳаво бўғиқ бўлсин,
офтоб салқин истаб
ҳансираётганда ҳам,
У ечиб қўймайди бўйинбоғини.
Мабодо эсаётган елда
бўйинбоғи ҳилпирар экан,
У танҳо ўзи
урушдан ғолиб чиққан лашкарбошидай
атрофга боқади мағрур.
— Бўйинбоғинг, силласи қуриб
ялинаётган итнинг
осилиб қолган тилига ўхшайди, —
дер дўстлари.
Аёли эса
сиртмоқнинг ўзгинаси,
худди дорга осилган сиртмоқнинг акси,
дея оғзидан гуллади кеча.
Айтгандай, бугун тонгда
улкан дарахтдан йиқила туриб,
новдага илинган бўйинбоғига
осилиб жон берибди шўрлик.
Айтмадимми,
ҳар нарсага қаттиқ кўнгил қўйма, деб...

* * *

Рағбатинг, наҳотки, жудолик куйи,
Алвидо айтмакка шошилар қўёш.
Фарёд солар қора кўзларинг куйиб,
Умид, фақат умид ёлғиз суянчдош.

Ломакон дунёмни ўтларда ёқдим,
Илҳомни ахтардим бағри тошлардан.
Нечун ҳар ким очган дарёда оқдим,
Раҳмат тиландимми кўзи ёшлардан.

Айтақол, севгининг хуни нимадир,
Фарёдми, ўзансиз оққан бир дарё.
Умид — ул денгизга чўккан кемадир.

Лабларинг қуёшни соғинган саҳро,
Илтижом — бағримдан юлинган сабр,
Нафратингдан ундим, ўлмасман асло.

Хавфли одам

Душманни ҳеч қачон сотиб бўлмайди,
Сотганда дўстини сотади ҳар кас.
Душман ҳимояда, осон ўлмайди,
Дўст дўст қаршисида ғофил, ҳушёрмас.
Илондан қўрққандек қўрқарлар ундан,
Болалар ўзини панага урар.
Кампирлар қарғанар уни кўрганда,
Қораси ўчгунча чоллар тик турар.

Озодлик байроғин ёққан ўшадир,
Халқининг юзига оёқ қўйган ҳам.
Хоинлик нишонин таққан ўшадир,
Сир каби асрайди ғилофин ҳар дам.

Ҳаммага кийдирмоқ истар «либосин»,
То дўстини сотишга тайёр турсин дўст.
Улкан жарлик деб билар ўз ватанини,
Ҳамманинг қулашин истайди сўзсиз.

Зерикса, қордан у ясайди дўстин,
Саркашлиги тутса, лойдан ясайди.
Ўнғай пайт сотмоқлик кечмайди қийин,
Ёвнимас, дўстларин овлаб яшайди.

Раддия

(Ҳазил)

Аёл қулоғи билан севганида,
Эркак кўзи билан севса не бўпти.
Қулоқ эшитади, кўрмайди мутлоқ,
Кўз кўрар, эшитмас, кўзгудир худди.

Аёл тараф тортманг ипнинг учини,
Силжитиб юборар ўрнидан ерни.
Севганда биласиз эркак кучини,
Йиғлаб ўқир ёмон кўрса ҳам шеърни.

Икки қутб ора икки жон айри
Учолса, чиқажак ҳазилнинг "зили".
Осмонга осилиб яшаб бўлмайди,
Ахир, яшаб бўлмас ердан узилиб.

Отам васиятномасини ўқиб...

Одам бўлмадинг-да ўттизга кириб,
Кўчадан ортмайсан, нени қувлайсан.
Яна улфатчилик.
Уялмайсанми?!
Бешикдаги боланг уялар сендан.
Улфат деганлари бўлолмайди дўст,
Ишинг терс кетдими топиб бўлибсан.
Ҳужранг бўлганда ҳам бошқа гап эди,
Одам сиёғига кирардинг балки.
Таянч нуқтасини йўқотар шаксиз
Уйи йўқ эркак.
Миррихдами ёки Ойда яшасин,
Қора тортиб келар эркак уйига.
Ернинг қозиғи бор, шунга боғланган,
Бўлмаса ўқидан чиқиб кетарди.
На қозиғинг бор тутиб тургудай,
На манзилинг бор сенинг қўнгудай.
Киндигингни шайтон кесганмикин ё,
Кўча одамига айландинг нечун?
Одам бўлмадинг-да қирқдан ҳам ошиб,
Ҳамон бошпананг йўқ — кўча дайдиси.
Ижарада ўтар ҳаётинг, афсус,
Ўзга бошпанаси бошпана бўлмас.
Қизинг бўйи етди, сеплик йиғ энди,
Ўғлинг суннатини ўйламайсан ҳеч.
Кўринмайсан элнинг маъракасида,
Ўрнинг сира йўқ,
Одам бор, ўлим бор, ахир.
Қирқдан ошиб тобут кўтардингми айт,
Қўлинг тегмас дейман тобутимга ҳам.
Уканга уқдимки, аканга қара,
Кўчада қолмасин ҳамёнсиз, уйсиз.
Ҳимоянга олгин болаларини,
Муҳтожлик — тўшакка михланган бемор.
Ақли кирар боши ёстиққа тегса,
Кўргуликни топиб амал — бадидан
Тангридан ўксинар ношуд бандаси...
Отам васиятин ўқирканман бот,
Кўксимни куйдирар аччиқ изтироб.
Ота,
Мана уйли бўлдим элликка кириб,
Болаларим омон худога шукур.
Амал бор, шуҳрат бор, аммо Сиз йўқсиз,
Мен Сизни йўқотиб одам бўлдимми?!



ДУРДОНА

"Чалма муғанний созингни..."

Қадимий манбаларда қайд этилишича, Мусо алайҳиссаломнинг қавми сувсизликдан қийналади. Шунда Тангрининг расули ундан раҳмат кўрсатишини илтижо қилади ва Мусога: "Ҳассангни тошга ур", деган ваҳий келади. Буюрилган амал бажарилади. Ҳасса теккан ўн икки жойдан ўн икки хил оҳанг жўрлигида об-ҳаёт қайнаб чиқа бошлайди. Тангри таолодан: "Бу оҳангларни асра", деган хитоб вожиб бўлади ва шу-шу "мусиқа" сўзи "бу оҳангларни асра" хитобига иқтидо этилади.

Гап шундаки, Шарқ мусиқаси узоқ тарихга эга. Унинг минг-минг йиллик ўтмишида қалб торларини титрата оладиган кўплаб бастакорлар ижод этишган. Улардан бири милодий 589 йили Марв шаҳрида дунёга келган Борбад Марвазийдир. Мозийнавислар унинг тўлиқ исм-шарифи Борбад Фалаҳбад Марвазий эканини зикр этадилар. Луғатлар шаҳодатига кўра, "Бор" — далолат бериш, "бад" — "илоҳийлик" демакдир. Марвазий бастакорнинг тахаллуси бўлиб, она шаҳри Марвнинг эскича аталмаси ҳисобланади.

Маълумки, туронзамин халқлари мусиқани қалбнинг қуввати, заҳматли меҳнатдан сўнг вужуддаги ҳорғинликнинг давоси деб билишган. Шу маънода VI-VII асрларда Марвазий туғилиб ўсган шаҳарда мусиқа асбоблари сотиладиган махсус тимларнинг мавжуд бўлганига табиий ҳол сифатида қараш керак бўлади. Ёш Борбад бундай тимларда кўп вақтини ўтказар, мусиқа илмида илгарилаган бастакорлар билан узоқ ва самарали суҳбат қура оларди. Айни вақтда у замонасининг энг нодир мусиқа асбобларида куй-қўшиқ ижро этишни ўрганиб олади. Аммо бўлғуси бастакор булар билан қаноатланмайди. Араб ва ажам дунёсининг энг нуфузли мадрасаларида таҳсил кўради. Тинимсиз изланиш, маҳоратга сайқал бериш орқали яралган "Усули Борбад", "Таронаи Борбад", "Оҳанги Борбад" сингари куйлари катта шуҳрат қозонади. Эронлик мусиқашунос Азиз Шаъбоний "Эрон мусиқаси билан танишиш" китобида ёзганидек: "Борбад Шарқ мусиқаси тарихидаги ёрқин сиймолардандир. У бу сарзамин халқлари мусиқий илми, нотаси, соз-у овозининг асосчисидир". Халқ орасида шоир, созанда, бастакор ва ҳофиз сифатида довруқ қозонган Борбад Эрон шоҳи Хисрав Парвез саройидан қўним топади. Ҳукмдорнинг дилтортар базмлари Борбаднинг мусиқий тароналари билан безанади. Унинг ёқимли наволари Некисо Чангий, Гесун Наводгар, Озодвар Чангий, Саркаш сингари устоз бастакорлар ижоди билан бир қаторга қўйилади. Қувонарлиси шундаки, Марвазийнинг барча мусиқий асарлари бизгача етиб келган. Мутахассислар фикрича, "Борбад" мусиқа асбобига ҳам унинг ўзи асос солган.

Халқона ибораларнинг бирида: "Чалма муғанний созингни, чалганинг йиғлатмаса", дейилади. Бинобарин, Марвазий яратган мумтоз куйлар бир вақтнинг ўзида киши кўнглини сарофроз этиб, руҳнинг парвозга шайланишини тезлаштирса, иккинчи бир томондан ҳаётнинг ғуборли, аччиқ-аламли изтиробларини эслатадиган нолалари борлиги билан ҳам барҳаёт яшаб келмоқда.

Хидирали ПАНЖИЕВ

МАДАНИЯТ

ТЕАТР

“БОЛАЛАРНИ АЛДАБ БЎЛМАЙДИ”

Маърифатпарвар аллома Маҳмудхўжа Беҳбудий “Ойна” журнали (1914 йил, 29-сон)да чоп этилган “Теётр надур?” мақоласида “Теётр хоналари масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва анда мушаххис бўлатурғонлар “ўюнчи ва масхарабоз” бўлмай, балки муаллими ахлоқдурлар” деб ёзган эди. Ҳақ гап. Театр инсон маънавий камолоти йўлида хизмат қилувчи ибрат мактабидир. Унда намойиш этилаётган ҳар бир спектаклдан томошабин эстетик завқ олади, тафаккурини бойитиб боради. Шунинг учун театрда намойиш этилаётган ҳар бир саҳна асари пухта-пишиқ ва бадиий жиҳатдан мукаммал бўлиши талаб қилинади. Агар ўша даргоҳнинг асосий томошабини ёш авлод бўлса-чи? Унда театр зиммасидаги юк ва масъулият икки карра ортиши шубҳасиз. Зеро, ёш авлодни ҳар томонлама мукаммал тарбиялашда театрларнинг ўрни беқиёс. Бизда эса бундай ибратхоналар талайгина.

Юртимиздаги ягона республика Ёш томошабинлар театри фаолиятини бошлаганда биринчи томошабин бўлган ўн ёшли болакай бугун тўқсонга кирди. Демак, театр саксон йиллик тарих ва тажрибага эга. У ерда жуда кўплаб маҳоратли, билимли ҳамда ўз касбини севгувчи актёр ва актрисалар ишлашади. Йигирма беш йилдан буён шу даргоҳни муқаддас билиб, бетакрор ролларни ижро этаётган устоз актриса Фарида Умарова соҳанинг ана шундай жонкуярларидан биридир.

— Биласизми, болаликнинг оқшомлари бошқача эди. Бувимнинг рўмолига ўхшайдиган кенг осмондаги юлдузларга қўлингни сал чўзсанг, етгудек эди гўё. Ҳовлимиз четидаги анҳордан эшитилиб турадиган чирилдоқларнинг қўшиғи-ю, ҳутҳутакларнинг ноласи ҳануз қулоғим остида жаранглайди. Шундай тунларда катта ёнғоқ дарахтининг тагидаги супада бувижоним узундан-узун эртаклар айтарди. Уларни эшитиб, ҳаётни ўргандим. Маннон Уйғур номидаги санъат олий билим ўчоғига ўқишга киришим-у, талабалик йилларимдаёқ республика Ёш томошабинлар театрида фаолиятимни бошлашимга ҳам ўша эртакларнинг сеҳри етаклаган, — дейди Фарида опа ўтган кунларини хотирлар экан.

Актрисадан айни кунларда театр репертуаридан жой олган саҳна асарлари ҳақида ҳам сўрадик.

. — Ҳозирда бир нечта саҳна асарлари томошабинларга мунтазир. Жумладан, хитой халқ эртаклари асосида саҳналаштирилган “Сеҳрли дур”, ўсмирлар ва ёшлар учун мўлжалланган “Дискотека” спектакллари намойиш этилмоқда. Бундан ташқари, Ҳанс Христиан Андерсеннинг «Қор маликаси», болгариялик драматург Павло Панчевнинг “Тўрт эгизак” эртаги асосида яратилган спектакл ҳам томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

— Ҳозир сиз айтиб ўтган спектакллар орасида негадир ўзбек адиблари қаламига мансуб саҳна асарлари кам. Бунинг сабаби нима?

— Тўғрисини айтганда, бугун мамлакатимизда болалар драматургияси жуда оқсоқланиб қолган. Адибларимиз юртимизда республика Ёш томошабинлар театри деган даргоҳ борлигини унутиб қўйишганга ўхшайди-ёв. Аччиқ ҳақиқат шуки, бизга сценарий ёзиб берадиган ёзувчиларимиз бармоқ билан саноқли. Шунинг учун биз аввалларидек бир неча бор намойиш этилган асарларга қайта мурожаат қилишга мажбур бўлаяпмиз. Кўпчилик яхши эсласа керак, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асари биринчи марта саҳналаштирилганида Қоравой ролини таниқли актёр Хайрулла Саъдиев ижро этганди. Шундан кейин ушбу асар яна бир марта қайта саҳналаштирилганди. Ҳозирги кунда эса биз — учинчи авлод вакиллари яна бир бор ушбу асарга мурожаат қилдик. Бундан ташқари, ўзбек халқ эртаги “Зумрад ва Қиммат” ҳам учинчи марта саҳналаштирилмоқда. Ўйлаб кўринг, хитой халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган кўплаб асарлар асосида кўп қисмли сериаллар яратилаяпти. Бизнинг болалар эса ўша халқнинг миллий қаҳрамонларини идеал даражасида қабул қилиб, кўр-кўрона тақлид қилаяпти. Бугун ҳар бир ёш боладан ким бўлишни хоҳлайсан, деб сўрасангиз “Жумонгдек бўламан”, дейди. Ваҳоланки, халқимизда нафақат фарзандларимиз, балки жаҳон болалари ҳам ҳавас қилса арзийдиган миллий қаҳрамонларимиз жуда кўп-ку! Қанийди дунё болалари “Мен Алпомишдек ёки Жалолиддин Мангубердидек ботир бўламан” деб орзу қилса. Парадоксни қаранг: республикамизда забардаст ёзувчилар кўп, аммо улар болалар учун пухта саҳна асарларини ёзиш зарурат экани ҳақида ўйлашмаётган кўринади.

— Аммо ёзувчи ҳар қанча маҳоратли бўлмасин, у тасвирлаган образни юксак даражада талқин этиш актёрнинг иқтидорига боғлиқ. Айтмоқчиманки, театрда етук кадрлар етарлими?

— Бадиий раҳбаримиз Олимжон Салимов ташаббуси билан ҳар йили танлов асосида бир нечта ёш, истеъдодли актёрлар ишга қабул қилинаяпти. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бизнинг иқтидорли ёшларимиз кўп ва улар ўзларига берилган ролни аъло даражада ижро эта олишади. Чунки республика Ёш томошабинлар театрининг ўзи катта бир мактаб. Бу театрда элимизнинг суюкли санъаткорлари Воҳид Қодиров, Манзура Ҳамидова, Обид Толиповлар фаолият юритишган. Ҳозир эса Ўзбекистон халқ артисти Муҳаббат Йўлдошева ва бошқа улуғ устозларимизнинг ижод йўлини-ю тажрибасини ўрганиш бугунги ёшлар учун энг юксак сабоқ бўлади, назаримда.

— Биламизки, бу ерда бир пайтлар катта-катта асарлар саҳналаштирилган. Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи асосидаги “Асорат” спектакли ҳам ҳануз томошабинларнинг ёдида. Ўша асарда сиз бош ролда — Зебинисони талқин этган эдингиз. Фарида опа, иқтидорли ёшлар ва устоз санъаткорлар фаолият юритаётган театрда бугун нега шундай залворли асарларга мурожаат этилмаяпти?

— Биз борига шукр қиладиган халқмиз-у, лекин тўғрисини айтсам, ҳозирги республика Ёш томошабинлар театри биноси (бу театр 5 йил олдин шу бинога кўчирилган эди) атиги 260 ўринга мўлжалланган, холос. Баъзан коллеж ёки мактаблар билан келишилган ҳолда болалар таклиф этилса, ўриндиқ етмай қолиб ташқаридан стул олиб келишга мажбур бўламиз. Қолаверса, саҳна ҳам тор. Аслида театр саҳнаси айланиб туриши керак. Унинг айланиб туриши эса катта-катта сюжетларни бемалол талқин этиш имкониятини беради. Аммо ҳозирги кунда бизда бундай имконият йўқ. Тор ва зарур шароитлар бўлмаган саҳнада баҳоли қудрат болажонлар кўнглига эзгулик нурларини сочишга ҳаракат қилаяпмиз.

Болаларимиз яхшиликка йўғрилган спектакларни завқ билан томоша қилишади. Уларни Ватанга муҳаббат, ота-она, яқинларига ҳурмат руҳида тарбиялашда спектакларнинг ўрни беқиёс. Фақатгина уларнинг ота-оналари вақт топиб, фарзандларини ақалли бир марта бўлса-да, театр биносига етаклаб олиб келишса, бўлгани. Баъзи ота-оналарга шундай деб кўрсангиз, моддий харажатни рўкач қилишади. Очиғи, битта мультфильмнинг пулига спектакль чиптасини олиш мумкин. Ваҳоланки, ота-оналар болаларни етаклаб хиёбонларга олиб боришади, кўча-кўйдан турли ўйинчоқлар олиб беришади. Аммо ўйлаб кўришмайдики, фарзанди билан театрга борса, боласининг дунёқараши кенгайиши, маънавиятига яхшилик уруғини экиши билан бирга ўзи ҳам болалигига қайтгандек бўлади.

... Чинакамига маданият жонкуяри бўлган Фарида Умарова билан суҳбат асносида сездимки, республика Ёш томошабинлар театрида сермаҳсул ижод жараёнлари давом этаяпти. Аммо, минг таассуфки, кўпчилигимизнинг бугун болалар театрига бўлган эътиборимиз анча пасайгандек. Ҳартугул, ёш авлод тафаккурининг бойишига хизмат қиладиган ҳар қандай муаммо ҳал этилишга муҳтож. Болаларнинг кўзларидаги ҳайрат сўнмаслиги учун эса уларнинг кўнглини санъатга ошуфта этмоқ катталарнинг бурчидир.

Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: «Сеҳрли дур» спектаклидан лавҳа.

ТАЪЛИМ

Эътибор

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан таълим соҳасига алоҳида ғамхўрлик қилинаётгани қувончлидир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури” ва бошқа ҳужжатлар қабул қилингани ҳамда шу асосда муайян ишлар амалга оширилаётгани фикримиз далилидир.

Айниқса, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг умуммиллий дастури” асосида мактабларнинг замонавий, жаҳон андозалари даражасида бунёд этилаётгани, мавжудлари эса қайта таъмирланаётгани бизни руҳлантириб, ишга янада масъулият билан ёндашишимизни тақозо қилаяпти. Синфхоналар замонавий мебеллар, фан кабинетлари ва лабораториялар зарур жиҳозлар билан таъминлангани ўз касбимизга ўзгача иштиёқ уйғотади.

Мактабимиз биноси ҳам дастурга асосан қайта реконструкция қилиниб, замонавий кўринишда. Бугунги ўқувчилар барча қулайликларга эга бўлган кенг ва ёруғ хоналарда таълим олишаяпти. Педагогларимиз эса ўз устида изланиб, ёшларга таълимнинг янги технологиялари асосида билим бермоқда.

Жамоамизни ҳомий ташкилотлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаяпти. Масалан, “Муборакнефтгаз” унитар шўъба корхонаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳар йили 30-40 миллион сўм миқдорида ёрдам беришади. Бу маблағни синфларни таъмирлаш ишларига, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига дарслик ва қишки кийимкечак олишга сарфлаймиз.

Умуман, мамлакатимиз таълим тизимида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Буни ўқувчиларимизнинг дунёқараши кенгайиб, пухта билим олаётганидан ҳам билиш мумкин. Якунланаётган жорий ўқув йилида мактабимизни тамомлаётган барча ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичига йўналтиришга алоҳида эътиборимизни қаратганмиз.

Ҳалимахон ЖУМАЕВА,
Муборак туманидаги
4-умумтаълим мактаби
директори,
“Шуҳрат” медали соҳибаси.

ТАФАККУР

Ҳаммага бирдек ёқиш — кулгили истак



ИОГАНН ВОЛЬФГАНГ ГЁТЕ
(1749-1832)

Немис файласуфи Иоганн Вольфганг Гёте Франкфурт шаҳрида туғилиб ўсди. У 17 ёшида ҳуқуқни ўрганиш мақсадида Лейпциг шаҳрига жўнайди. Кейин Страсбургда таҳсил олади.

Гёте башоратчилик қобилиятига ҳам эга эди. У кўп воқеаларни олдиндан айтиб берган ва ҳеч қачон адашмаган. Гётенинг табиатида беқарорлик, жиззакилик, енгилтаклик касби хусусиятлар ҳам бўлганидан атрофдагилар уни бадфеъл одам деб ҳисоблашган.

Гёте 3000дан зиёд шеърлар муаллифи. Унинг Веймарда чоп этилган асарлар тўплами 143 жилддан иборат. Қуйида уларнинг энг асосийларини санаб ўтамиз:

“Таврида ифигенияси” (1787), “Рим элегиялари” (1788), “Торквато Тассо” (1796), “Наботот эврилиши” (1790), “Фауст” (1808), “Сеҳрли сибизға”, “Ранг ҳақида таълимот”.

Манбаларга кўра, Гёте қўл урмаган касб бўлмаган: у портретнавис, манзаранавис рассом, ҳайкалтарош, меъмор, танқидчи, хотиранавис, публицист, актёр, режиссёр, театр директори, муқовачи, заргар, кимёгар, ботаник, физик, геолог, оптик, файласуф, фалакшунос, муаррих, санъатшунос, давлат арбоби, молиячи, кутубхона мудири ҳам бўлган.

Майда одамлар орасида майдалашасан. Катта одамлар орасида эса ўзинг ҳам ўсасан.

* * *

Ўзим тўғримдаги билимсизлигим лаҳза сайин ошиб бормоқда.

* * *

Айтишларича, икки қарама-қарши фикр орасида ҳақиқат ётар эмиш. Асло бундай эмас, уларнинг орасида муаммо ётади.

* * *

Ҳаммага бирдек ёқиш истаги энг кулгили истакдир.

* * *

Яшаш учун ғалаба қозонишни ўрган.

* * *

Дадил фикрлар шашка ўйинидаги олдинги қатор доналари вазифасини бажаради: улар ҳалок бўлса-да, ғалабани таъминлайди.

* * *

Инсон учун фақат биргина бахтсизлик мавжуд. У ҳам бўлса, ҳаётда ҳеч фойдаси тегмайдиган ёки меҳнатдан чалғитадиган ғоя билан банд бўлиш.

Тўпловчи ва таржимон: Саида ЖЎРАЕВА

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

СПОРТ

СЎНГГИ ИМКОНИЯТ



Бугун футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига саралаш босқичининг саккизинчи тури доирасида Баҳрайн терма жамоасига қарши майдонга тушади. Манама шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур учрашув ҳар икки жамоа учун жуда муҳим ҳисобланади. Боиси мазкур ўйин “А” гуруҳининг учинчи ўрин соҳибини аниқлаб беради. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги беллашувда ҳамюртларимиз фақат ғалаба қозонсаларгина кейинги босқичга йўл олиши мумкин. Баҳрайнликларни эса дуранг натижа ҳам қаноатлантиради. Демак, ЖЧ-2010га бориш учун юртдошларимиз нима қилиб бўлмасин зафар қучиши зарур.

Ўйин маҳаллий вақт билан соат 21:30 да бошланади. Учрашувни эронлик ҳакам Масъуд Моради бошқариб боради.

РАФАЭЛ НАДАЛ ЛОНДОНГА БОРАДИ

Хабарингиз бор, ўтган ҳафтада жаҳоннинг биринчи рақамли ракеткачиси ҳисобланган испаниялик Рафаэл Надал Франция очиқ чемпионатида ғолибликни қўлга киритган эди. Шундан сўнг ушбу спортчи Лондонда ўтказиладиган АТП теннис турнирида иштирок этмаслигини маълум қилганди. Бунга унинг тиззасидаги жароҳат сабаб қилиб кўрсатилганди. Айримлар бу ҳолатни кўркоқликка ҳам йўйишди.

Лекин яқинда шифокорлар кўригида бўлган Рафаэл Надал журналистлар билан мулоқот ўтказиб, тез орада жароҳатлардан фориғ бўлишини ва яхши спорт формасида Уимблдон турнирида қатнашишини айтиб ўтди.

БОКС ШОН-ШУҲРАТИ ЗАЛИГА АЪЗО БЎЛИШДИ

Оғир вазн тоифасида бокс бўйича жаҳоннинг собиқ мутлақ чемпиони англиялик Леннокс Льюис Нью-Йорк шаҳридаги Халқаро бокс шон-шуҳрати залига аъзоликка қабул қилинди. Ушбу тадбир якшанба куни ўтказилди.

Қирқ уч ёшли Леннокс Льюис профессионал боксдаги фаолиятини 2003 йил 21 июнда тугатганди. Ҳозиргача унинг ҳисобида 41 ғалаба мавжуд. Фақат икки марта имкониятни бой берган. Бир сафар дуранг натижасини қайд этган. Шунингдек, боксчи дунёга машҳур бўлган бир нечта бокс ташкилотларининг (WBC, IBF, WBA) камари соҳиби ҳисобланади.

Британиялик чарм қўлқоп устаси билан биргаликда Халқаро бокс шон-шуҳрати залига жанубий африкалик Брайан Митчелл, америкалик Орландо Канисалеслар ҳам аъзо бўлишди.

ФУТБОЛ ОЛИМПИАДАДАН ОЛИБ ТАШЛАНАДИМИ?

Халқаро олимпиада қўмитаси ва ФИФА ўртасидаги зиддиятлар туфайли Олимпиада футбол турнири атрофида кескин баҳс-мунозаралар юзага келди. Гап шундаки, ФИФА Олимпиадада иштирок этадиган жамоалар сонини қисқартиришни ва футболчиларнинг ёшини 23 ёшдан 21 ёшга туширишни режалаштирмоқда. ХОҚ эса бу мусобақанинг нуфузи ҳамда сифатига салбий таъсир кўрсатишини таъкидламоқда. Қолаверса, Халқаро олимпиада қўмитаси раҳбари Жак Рогге мусобақада иштирок этадиган жамоалар сонини 16 тадан 12 тага камайтириш кераклигини, акс ҳолда олимпиада дастуридан эркаклар футболини бутунлай олиб ташлашини маълум қилди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
e-mail: hurriyat@doda.uz

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.00

® — тижорат белгиси.

Адади: 13563 Буюртма — Г-554 2345678